БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 14 февраль Чоршанба № 31 (13. 467). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни

НОМЗОД БИЛАН УЧРАШУВ

— «Сизни жамиятимиз ҳаётида нима қониқтирмайди? Агарда депутатликка сайлансангиз Олий Кенгашнинг қайси масалаларига қарши овоз берардингиз?

— Ҳис-ҳаяжонга берилишга қарши. Ҳар бир масала чуқур, олдиндан ҳар томонлама кўрилгандан кейин парламентда муҳокама қилиниши керак. Жумҳуриятимизга ҳар томонлама ҳисобга олинган қарорлар керак, шунинг учун мен тартибсиз жўшқинликка қарши овоз берардим».

Бу сатрлар Тошкент халқ хўжалиги институти рўзномаси — «Иқтисодчи» — «Экономист» мухбири билан ана шу олий мактаб ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Саидаҳрор Саидаҳмедович Ғуломов ўртасида бўлиб ўтган мусоҳабадан олинди.


Катта-катта анжуманларда қисилиб-қимтиниб ўтирувчи ёки бунинг аксича, нинадек нарсани пуфлаб туядек қилиб кўрсатувчи депутатлар эътирозга учраб турган бир паллада бундай соғлом фикрни эшитиш ҳурмат-эҳтиром уйғотади кишида, албатта. Куни кеча Муқимий номли театрга ташриф буюрган каттаю кичик 55-Олмазор сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган С. Ғуломов ўз сўзида собит эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

Сайловолди учрашувини институт партия комитетининг секретари И. Соипназаров қисқача кириш сўзи билан очди.

Депутатликка номзод ўз ҳаракат дастурини баён қилгач, қизғин муҳокама бошланди. Ҳар ким ўзини қийнаётган муаммони тўкиб солгиси келарди. Институт фалсафа кафедраси мудири, профессор И. Жумабоев, сиёсий-иқтисод кафедрасининг доценти И. Икромов, иккинчи курс толиби В. Норсафаров ва бошқалар сўзга чиқиб, депутатликка номзодга бир талай наказ бердилар.

А. ТУРАЕВ,
Тошкент.

Умидларинг ушалсин, сайловчи!



Шу кунларда номзодларимиз билан ўтаётган учрашувларда ўз ечимини кутаётган истиқболимизга оид талай муаммоларимизни баён қилаяпмиз. Эҳтимол, бу муаммолар ҳар бир сайловчининг дилида армон бўлиб ётган дард ва ташвишлари, майл-истак, орзуларининг умидидир. Тинчлик ва фаровонлигимиз, тараққиётимиз йўлида ақл-заковат, изланувчанлик, кашфкорлик билан ишлашга, жуда катта ишонч билан юкланган жамият юкини зиммасига олишга қодир вакилларни танлашга интилишимиз табиий. Шундай одамларни юзага чиқариш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиздир, энди халқимиз бунга ҳеч қачон лоқайд бўлолмаса керак. А. Н. Островский номидаги Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати тарбия масканининг умумий йиғилишида пойтахт шаҳар Советига институт комсомол ташкилотининг котиби Ҳусан Саидов номзоди лойиқ деб топилганида кўнглимдан «Эй, ҳайрият» деган бир ўй ўтди.

— Қачонлардан бери мени безовта қилиб, дилимда ниятга айланган режалардан бири ёш авлоднинг маънавий соғлом, ақлли, изланувчан кашфиётчи бўлиб ўсиши йўлида измимиздаги жамики шарт-шароит имкониятларини яратиш, — дейди Ҳусан ҳаракат дастури ҳақида қисқача сўзлаб беришни сўраганимда. — Халқимизнинг муаммо, дард ва ташвишлари шунчалар тўпланганки, уларни уддалаш учун, назаримда, ҳалол ва оқилона ишлашимиз керак. Қайси бир йўналишни, қайси бир соҳани олманг ўз давосини кутаётган оғриқ «яраси» сезилади...

Қадимдан «Камбағал бўлсанг кўчиб кўр» деган нақл бор. Қайта қуриш бизни янгича ҳаётга «кўчиш»га ундади-ю, турғунликда тўпланиб қолган бир дунё кераксиз «ашё»лардан воз кеча олмаяпмиз.

Ҳозир мактаб ўқувчисидан сўрасангиз ҳам шаҳримизнинг табиат муҳитининг мусаффолиги ташвиши, шаҳарнинг тобора чанг-ғубор ва шовқинга тўлиб бораётганлиги, тақчиллик муаммоси, бошбошдоқлик ва жиноятчиликнинг авж олаётганлиги ҳамда бошқа бир қатор масалаларни хавотирланиб сўзлайди. Шу пайтгача улкан ва битмас иншоотларни қуришни, олислардан-олисларга дарё буришни, 6 миллион тонналик пахта хирмони уйишни ўйлабмиз-у, одамларимиз турмуш даражаси, соғлиғи, маънавий етуклиги қиёмат-қарз бўлиб қолаверибди. Агарда менга сайловчилар ишонч билдириб овоз берсалар, депутатлик мандатини қўлга киритсам, куч ва ғайратимни шу муаммоларни ҳал этишга қаратаман, — дейди Ҳусан Саидов.

Бу муаммолар сайловчилар томонидан ҳам, биз томонимиздан ҳам то ечимини топмагунча ҳаққоният жаранги бўлиб янграши керак. Шаҳримизнинг ободонлиги, илм-фан, санъат ва маданиятимизнинг талаблар даражасида равнақи, одамларимизнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари тўлақонли қондирилиши, шаҳримизни мева-сабзавот, сут, қаймоқ, гўшт маҳсулотлари билан етарли таъминлаш, шаҳарда одамларнинг соғлиғига, асабига путур етказаётган шовқин ва жамики кўнгилсизликларни бартараф этиш, қабул қилинаётган ва келгусида қабул қилинадиган қонунларимизни ҳаётга тадбиқ қилиш каби талай режаларни кўнглимга туккanman.

Халқимиз ғоят сабр-бардошлидир. Лекин ҳар қандай сабрнинг ҳам чегараси бор. Шаҳар Советида бир-бирдан долзарб муаммоларнинг ечими учун одил ва оқил режалар ўйлаб топилиши ҳамда ишга туширилишини асосий мақсади деб биламан.

— Ахир наҳот жамиятимизнинг энг етакчи кучлари шу пайтгача бу муаммолардан кўз юмиб келдилар деб ўйлайсизми? Сиз эса яқиндагина театр санъати институтини битирдингиз. Ўзингизда шаҳар Советн депутатлигига лаёқатли билим, тажриба, ишчанлик етарли деб ўйлайсизми?

— Рейганни ҳам ёшлигида актёр бўлган дейишади. Аммо 8 йил давомида АҚШ халқи учун фойдали бўлган бир қанча ишларни амалга оширди-ку, дея ҳазиломуз жавоб берди Ҳусан Саидов.

Номзод билан бўлган савол-жавобимиз ва ўзаро баҳсимиздан чамамда Ҳусан хизмат қилаётган даргоҳ толиб ва толибалари, ижодий жамоа унинг номзодини илгари суриб, янглишмаганга ўхшайди, деган хулосага келдик.

— Сайловчиларингизга қандай мурожаатингиз бор?

— Мен уларга умидларингиз ушалсин, сайловчилар! — дейман.

Исоқтой ЖУМАНОВ,

А. Н. Островский номидаги Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институтининг катта ўқитувчиси.



Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар орасида жумҳурият Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси бюроси директори Даврон Аҳмедовнинг номи ҳам бор. Бирлашманинг бир неча коллективи ўз йиғилишларида Д. Аҳмедовнинг ана шу коллективда узоқ вақтдан бери ишлаб келаётгани, ишни ташкил қилиш ва қатор муаммоларни ҳал қилишда принципиал позицияда туриб, талабчан раҳбар бўлиб келаётганини таъкидладилар. У ёш бўлишига қарамай фан доктори илмий даражасига эришди. Эндиликда бир неча шогирдлари эса фан номзодидирлар. У раҳбарлик қилаётган коллектив биринчилардан бўлиб хўжалик ҳисобига ўтишни ташкил қилди. Олим ўз депутатлик ҳаракат дастурида ижтимоий ҳаётимиздаги қатор муаммоларни ҳал этишга, илм даргоҳларини замонавий компьютерлар билан янада бойитиш ишини амалга ошириш, экологик муҳит муаммоларини ҳал этишга катта эътибор бераётганини таъкидлади. Ёш олим Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги сайловолди учрашувларида ўз ҳаракатномасига янада кўп муаммолар киритаётганини, уларни ҳал этишга ҳаракат қилажагини айтди.

Сураткаш М. НАЗАРОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси

12 февраль куни Кремлда СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

СССР Олий Совети Президиуми сиёсий ислоҳотни чуқурлаштириш, бу жараёнда партиянинг, Советлар ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли масалалари хусусида жамиятда бўлаётган мунозараларни ҳисобга олиб, СССР Конституциясига сиёсий система, мулк, Совет давлатини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан бир қанча ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш зарур, деган хулосага келди. Олий Совет Президиуми якдиллик билан мамлакатимизда демократик президент ҳокимиятини таъсис этишни маъқуллади. Бу масалаларни кўриб чиқиш учун яқин орада СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездини чақириш лозим бўлади.

Бу хусусдаги таклифлар СССР Олий Советига тақдим этилади.

Мажлисда шу йил 14 февраль куни очиладиган СССР Олий Совети учинчи сессиясига тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

СССР Олий Совети Президиуми Олий Совет Миллатлар Совети Раиси Р. Н. Нишоновнинг ахборотини муҳокама қилиб ва миллий сиёсат соҳасидаги қонунчиликни янгилаш алоҳида долзарблигини ҳисобга олиб, Олий Совет комитетлари ва палаталарининг доимий комиссиялари кўриб чиқиши учун ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар ўртасидаги ваколатларни белгилаб қўйиш тўғрисидаги, СССР Конституциясининг 72-моддасига биноан иттифоқдош республиканинг ССР Иттифоқидан чиқиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш тартиби ҳақидаги, гражданларнинг миллий тенглигига тажовуз қилганлик учун ва ССР Иттифоқи территориясининг бирлигини зўравонлик билан бузганлик учун масъулиятни кучайтириш тўғрисидаги бир қанча қонун лойиҳаларини тақдим этди.

Президиум СССР молия министри В. С. Павлов ва СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин докладлари юзасидан давлат солиқ инспекциялари ҳуқуқлари тўғрисидаги, фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий режими ҳақидаги ва жамоат тартибини сақлаш чоғида СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бурчлари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги СССР ҳукумати тақдим этган қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун Олий Советга топшириш ҳақида қарор қабул қилди.

СССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг қарорига мувофиқ сессияда СССР Олий Советининг жиноятчиликка қарши кураш масалалари комитетини сайлаш, шунингдек СССР давлат ҳокимияти олий органларининг иш тартиби тўғрисидаги комиссияни ва депутат хулқ-одоби масалалари комиссиясини сайлаш керак бўлади. Олий Совет Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков шу масала юзасидан ахборот берди. Президиум ана шу органларнинг состави юзасидан таклифларни тайёрлади.

СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов ахбороти юзасидан СССР Олий Советн учинчи сессияси ишини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар муҳокама қилинди ва асосан маъқулланди.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиуми Эстония ССР Олий Советининг «Эстонияда 1940 йилда содир бўлган воқеаларга тарихий-ҳуқуқий баҳо бериш тўғрисида»ги ва Литва ССР Олий Советининг «1939 йилги Совет — Германия шартномалари тўғрисида ва Литва учун ана шу шартномалар оқибатларини тугатиш тўғрисида»ги қарорларига доир масалани кўриб чиқди. Ушбу ҳужжатларда мазкур республикаларнинг ССР Иттифоқига кириши тўғрисида 1940 йилда қабул қилинган актлар шубҳа остига олинган ва қонуний кучга эга эмас, деб эътироф этилган. Мазкур масаланинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, СССР Олий Советининг мажлисларидан бирида бу масалани муҳокама қилиш учун тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида давлат ҳаётининг баъзи бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

МАЖБУРИЙ ЧОРА

ДУШАНБЕ, 12 февраль. (ТожикТА—ТАСС). Душанбеда аҳвол кескин тарзда мураккаблашгани, жамоат тартиби бузилаётгани, урйиқит, ўт қўйиш ва талон-тарож қилиб, оммавий тартибсизликлар билан кечаётган экстремизм кўринишлари муносабати билан Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми фавқулодда ҳолат эълон қилишга ва 12 февралдан бошлаб Душанбе шаҳри территориясида соат 22 дан 6 га қадар комендантлик соати жорий этишга қарор қилди.

Тожикистон ССР ички ишлар министри М. Н. Навжувонов шаҳар территорияси коменданти этиб тайинланди.

Жумҳурият янгиликлари

НАМАНГАН область радиосида тожик тилида эшиттиришлар олиб борилмоқда. Косонсой, Чуст ва Поп районларининг минглаб аҳолиси ўзбек ва рус тиллари қаторида ўз она тилларида ҳам радиоэшиттиришларни тинглайдиган бўлдилар. Тингловчилар Косонсой район «Ленинчи» газетаси ходимлари тайёрлаган навбатдаги сўнгги ахборотдан дала ишларининг бориши, томорқа учун ерлар ажратилаётганлиги, янги автомат телефон станцияси ишга тушганлиги ҳақида билиб олдилар. Бундан кейин ахборот эшиттиришлари билан бир қаторда маълум бир мавзуга бағишланган тожик тилидаги эшиттиришлар ойига уч марта эфирга чиқади. Наманганлик журналистлар ҳозир қрим-татар тилида, областда истиқомат қилаётган бошқа миллатларнинг тилларида ҳам эшиттиришлар уюштириш устида иш олиб боришмоқда.

НУКУСдаги мухтор жумҳурият Кашшофлар саройида бўлган кўрикда шаҳарнинг энг яхши чеварлари болалар кийимлари туркумини намойиш этдилар. Намойишда Нукус мактабларининг ўқувчилари ва Ҳамза номидаги Хўжайли болалар уйининг тарбияланувчилари қатнашдилар. Айни вақтда саройда хўжайлилик ёш чеварлар ишларининг кўргазмаси очилди. Модалар байрами болалар ва ўсмирлар кийими ҳамда «Мода ва болалар» пойабзали Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтказилди. Фестиваль бу йил Ленин номли Совет болалар фондининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

— Шаҳар ва район мусобақаларининг ғолиблари февраль охирида Нукусда бўладиган мухтор жумҳурият конкурсида қатнашадилар, — деди Совет болалар фонди қорақалпоқ бўлимининг ходимаси М. Кузнецова.—Ҳозир Қорақалпоғистоннинг барча катта шаҳарларида дастлабки кўргазмалар бўлмоқда, кийим-кечакларнинг энг хушбичимлари танлаб олинмоқда. Конкурснинг ғолиблари фестивалнинг 25 мартдан 31 мартгача Ленинградда бўладиган якунловчи босқичида қатнашадилар.

Фестиваль программасига биноан болалар ва ўсмирлар кийими ҳамда пойабзали, тўқимачилик материаллари, турли чизмалар, муаллифлик мажмуалари ижодий конкурсини ўтказиш назарда тутилган. Болалар буюмларини ишлаб чиқарадиган энг яхши корхоналар учун конкурс алоҳида ўтказилади.

ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Сайлов кампанияси якунловчи босқичга қадам қўйди. 18 февралгача саноқли кунлар қолди. Шу куни ҳар бир сайловчи овоз бериш учун ажратилган бинога келиб, участка сайлов комиссияси аъзоларидан сайлов бюллетенларини олади.

Сайлов тўғрисида Қонунга мувофиқ овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан эрталаб соат 7 дан 20 га қадар давом этади.

Ҳозирги сайлов кампанияси унча жўн эмас. У қайта қуриш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир даврда ўтмоқда ва республиканинг бутун тарихида энг муҳим сайлов кампанияларидан биридир. Кампаниянинг босқичлари — номзодлар кўрсатиш, уларни муҳокама қилиш, позицияларни қиёслаш, овоз бериш — янги ҳуқуқий негизга асосланади.

Ўзбекистон ССРнинг миллионлаб гражданлари депутатликка номзодларнинг программаларини муҳокама қилиш чоғида ўткир, муросасиз баҳсларнинг, қизғин мунозараларнинг, фикрлар ва баҳолар тўқнашувларининг бевосита қатнашчилари ёки гувоҳлари бўлдилар.

Ўзбекистоти ССР сайлов округларида республика халқ депутатлигига 1127 номзод, маҳаллий Советларга 86635 номзод рўйхатга олинди, кўпгина округларда иккитадан, учтадан ва ундан ҳам кўпроқ даъвогарлар бор.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ҳамда республика халқ депутатлари маҳаллий Советларига депутатлар сайлови бир кунда ўтказилиши муносабати билан сайлов участкасига келган ҳар бир сайловчи қаерда яшашига қараб учтадан тўрттагача сайлов бюллетени: Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига доир оқ тусдаги сайлов бюллетени; (область Советига сайловга доир яшил тусдаги сайлов бюллетени); (район Советига сайловга доир кўк тусдаги сайлов бюллетени); шаҳар, посёлка, қишлоқ Советига сайловга доир оқ тусдаги сайлов бюллетенини олади.

Тошкент шаҳрида, шунингдек районларга ажратилмаган, областга бўйсунувчи шаҳарларда сайловчилар учтадан бюллетень оладилар. Қолган ҳамма сайловчилар тўрттадан бюллетень оладилар.

Сайлов тўғрисидаги Қонунларда ҳар бир сайловчининг шахсан овоз бериши кўзда тутилган; бошқалар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайловчиларга участка сайлов комиссияси шу сайлов участкаси сайловчилари рўйхатига мувофиқ паспорт ёки бошқа шахсий гувоҳномани кўрсатган тақдирдагина сайлов бюллетенини беради.

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўзи истиқомат қиладиган жойдаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, депутатликка номзодларга нисбатан бир тўхтамга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга солиб беркитиб, участка комиссиясига қолдириб кетиши мумкин. Сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчи сайловчилар рўйхатига имзо чекади.

Айрим сайловчилар саломатлигига қараб ёки бошқа сабаблар билан овоз бериш учун ажратилган бинога келолмаган тақдирда, уларнинг илтимосига мувофиқ участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига ана шу сайловчилар турадиган жойда овоз беришни ташкил қилишни топширади.

Бирор сабабга кўра сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва истиқомат жойини кўрсатувчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритиладилар.

Овоз берувчи киши сайлов бюллетенини яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради, яъни ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчириб, ҳар бир бюллетенда фақат бир номзодни қолдириши керак. Бундай талабга риоя қилинмаган тақдирда сайлов бюллетени ҳақиқий эмас, деб топилади ва сайлов натижаларини аниқлаш чоғида ҳисобдан чиқариб юборилади. Бюллетенни мустақил тўлдириш имконияти бўлмаган сайловчи кабинага ёки хонага ўз хоҳиши билан сайлов комиссияси аъзоларидан бошқа исталган кишини таклиф қилишга ҳақлидир. Агар бюллетендаги депутатликка номзодларнинг барча фамилиялари ўчирилган бўлса, у ҳақиқий топилади ва сайловчи номзодларнинг ҳар бирига қарши овоз берган ҳисобланади. Сайлов бюллетенларига қўшимча равишда гражданлар фамилиялари ёзилган бўлса, бундай овозлар ҳисобга олинмайди.

Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаб чиқиш, округда сайлов натижаларини аниқлаш ҳамда сайловнинг умумий якунларини чиқариш чоғида меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ишончли вакиллар, шунингдек матбуот, телевидение, радио вакиллари иштирок этиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ана шундай вакилларнинг ваколатлари тегишли ҳужжат ёки меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти, истиқомат жойидаги сайловчилар қарори билан тасдиқланган бўлиши керак. Сайлов еучасткасига ўз вакилларини юбориш режаларини тегишли сайлов комиссиясига олдиндан хабар қилиб қўйиш зарур.

Қуйида сайлов бюллетенларини тўлдириш намуналари эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР халқ депутатини сайлаш бўйича

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ
ИЗБИРАТЕЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

по выборам народного депутата Узбекской ССР

1990 йил 18 февраль

18 февраля 1990 года

_______________ сайлов округи

Ахунбабаевский избирательный округ № 305

Сиз қарши овоз берадиган депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилади.

Фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете, вычеркиваются

~~АЛИМОВ Шарифат~~	гл. агроном колхоза "Узбекистан", к. Найман
~~ВАСИКОВА Зульфия Аминовна~~	директор средней школы № 10, к. Алтынкуль
ТАИРОВ Абдулхай Ибрагимович	гл. инженер-механик совхоза им. Ахунбабаева, к. Кумлак

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзод қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас, деб топилади.

Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата, признается недействительным.

Образец

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни

Бошқаларга ўхшамайди



«Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий бўлишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган даражадаги бахт-саодатга эришади», — деган экан алломаларимиздан бири Абу Наср Форобий.

Турсуной опа Исоқовани кўрганимда ҳамиша шу сўзлар ёдимга келади. Маънавияти фақат эзгуликка интилиш чўғи билан порлаган бу аёл илк бор Комсомолобод ноҳия фирқа қўмитасига котиба бўлиб ишга келганидаёқ менда ажиб таассурот қолдирган. Кўпчилик олдида ҳеч нарсадан чўчимай маъруза қилиши, камчиликларни дадил очиб ташлаши, қайта қуриш даврига хос қатъиятлилиги, дадиллиги, тўғриси, «тили аччиқлиги» роса ҳайратда қолдирган.

У 1952 йилда Москва ноҳиясида оддий колхозчи оиласида туғилиб, вояга етди, олий даргоҳда таълим олди. Андижон вилояти Москва ноҳиясидаги «Ленинград» жамоа хўжалигида бош иқтисодчи бўлиб ишлаб юрган кезларидаёқ мустақил фикр юритишга одатланган, оддий инсонларни доимо ҳимоя қилишга, улар билан тенг ёниш орзусини амалда қўллашга киришган.

— 1974 йили, «Ленинград» жамоа хўжалигида ишлаб юрганимда, — дея хотирлайди у, — Найнаво қишлоқ Советига депутат бўлиб сайландим. Тўғриси, ҳали ёш эдим, шундай бўлса-да, аввало хотин-қизлар турмуш даражасини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақида ўйладим. Қишлоқ Советининг депутатлиги обрўсини ошириш учун аёлларга дала шийпонлари, фермаларда шарт-шароитларни яратиб бериш чораларини кўрардим. Найнаво қишлоқ Советининг раисаси Муътабар опа Қурбонова менга халқнинг дардини эшитишни ҳеч қачон назардан четда қолдирмасликни уқтирарди. Унинг «Қандай раҳбар бўлишингдан қатъий назар, қўл остингдаги ходимнинг оилавий шароити билан қизиқиб, унга маънавий кўмак бер, чунки бизда оила мустаҳкам бўлиши керак», — деган ўгитлари ҳамон қулоғим остида янграб туради.

«Устоз отангдан улуғ», — дейди доноларимиз. Шундами, Турсуной опа Исоқованинг қишлоқ аҳлига бўлган ихлоси ортди. Устозининг «халқ дардида ўзини эмасанг, халқнинг қалбига чўғ сололмайсан», — деган сўзларига ҳамиша содиқ қолди. «Ленинград» жамоа хўжалигида пахтачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлади. Ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил кўтарди. Бундан ташқари у ёш хўжаликда бош иқтисодчи бўлиб ишлади. 1980 йилдан ноҳия жамоа хўжаликларини марказлашган бошқарув муассасасининг бошлиғи бўлиб 1983 йилга қадар ишлади. Кейин Москва ноҳияси Тошпеза қишлоқ Советининг раисаси бўлиб сайланди.

Турсуной опа қишлоқ Советининг раисаси бўлиб ишлаб юрган кезлари, яъни 1985 йили 150-Пахтаобод сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланди. Сайловчилар томонидан тушган наказларни зийраклик билан бажарди. Москва ноҳиясидаги Фрунзе номли жамоа хўжалигининг фермаси учун 200 бош қорамолга мўлжалланган замонавий молхона қурилишида, Навоий номли жамоа хўжалигидаги 14-мактаб қурилишида, Ленин номли жамоа хўжалигидаги йўлларни асфальт қилишда унинг ҳиссаси катта. Халқ талабини қондириш учун депутат кўп елиб-югурди, ҳатто ўз вазифасига кирмайдиган ишларни ҳам сидқидилдан адо этди. Ноҳиянинг Фрунзе номли жамоа хўжалигидаги 20-мактабнинг янги биноси тезроқ битишига амалий ёрдам қилди, Ленин номли жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаси телефонлашди. Ташлама зовурларга иккита кўприк қурилди. Навоий номли жамоа хўжалиги аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланишига ҳисса қўшди. Ноҳия марказий касалхонаси қошида юқумли касалликлар бўлими очилиши учун Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигигача борди, 7,5 миллион сўм пул ажратилишига эришди, 30 дан ортиқ шахсий иш билан мурожаат қилганларга ижобий ёрдам берди.

Турсуной опа Исоқованинг бу хизматлари сайловчиларни мамнун этди. Шундан ҳам у яна иккинчи марта ана шу сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод кўрсатилди.

— Халқнинг хизмати учун бел боғлаш, — дейди у суҳбатимиз давомида, — ҳақиқат учун курашиш — мен учун олий бахтдир. Ўзбек деҳқони оиласида туғилиб, камтарона ҳаётда вояга етганим учун ҳам оддий меҳнаткаш манфаатини устун қўяман. Чунки улар жамиятимизнинг асосий қисмидир.

— Агар сиз Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайлансангиз, қандай ишларни амалга оширар эдингиз?

— Агар мен депутат бўлиб сайлансам, жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллиги, бойликларини, тўлиқ Ўзбекистоннинг мулки эканлигини белгиловчи қонунлар чиқарилиши учун курашган бўлардим. Ҳозирча жумҳуриятимизда етиштирилаётган пахтанинг 90 фоизи, жуннинг 96 фоизи, қоракўлнинг 71 фоизи, терининг 33 фоизи хом ашё сифатида Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетаяпти. Шунинг учун жумҳурият хом ашё базаси бўлиб қолишига чек қўйиш керак. Жумҳурият саноатини тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирувчи қонунлар чиқарилса, аҳолининг моддий фаровонлиги ошиши турган гап.

Яна шуни ҳам қўшимча қилишим мумкинки, жумҳуриятимиз миқёсида ўрта мактабларнинг ўқитувчилари учун белгиланган маошни қайта кўриб чиқиш керак. Шу масалалар билан бир қаторда мактабларнинг замонавий биноларга жойлашиши, ислоҳ талаблари даражасида бўлиши учун ҳам интилган бўлардим.

Турсуной опа Исоқованинг бу сўзларини тинглар эканман, унинг сайловолди ҳаракат дастурида қуйидаги йўналишлар назарда тутилганини эслайман:

— уч ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган аёлларни кўп болали ҳисоблаб, барча қулайликларни яратишни ҳукумат билан мустаҳкамлаб қўйиш;

— янги ташкил топган оилаларга навбатсиз ёрдам пулларни бериш қонуни билан белгилаш; навбатсиз уй-жой билан таъминлаш;

— ёрдам пулининг маълум қисмини ишлаб чиқаришдаги иштирокига қараб давлат ҳисобидан қоплаш каби енгилликларни бериш учун курашишим керак деб ўйлайман.

— Турсуной опа, сайловчиларингиз истиқомат қилаётган қишлоқларда қандай муаммолар бор?

— Мен асли Москва ноҳиясида туғилиб, вояга етганим учун ҳам у ерлик халқнинг олдида бир умр қарздорлигимни ҳис қиламан. Округ ҳудудида 3500 аҳоли иш билан таъминланмаган, уларнинг асосий қисмини ёшлар ва аёллар ташкил қилади. Шуларни ҳисобга олиб ремонт заводи атрофида ва Ўрта Шаҳрихон ҳудудида енгил саноат корхоналарининг филиалини жойлаштириш учун курашган бўлардим.

Ноҳия марказий касалхонаси ҳозирги талаб даражасида эмас. Бу муассасани кенгайтиришни мақсадга мувофиқ деб биламан. Медицина ходимларининг дам олишлари учун етарли шарт-шароит яратиш, касалхонани хорижий элдан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, бир мартоаба қўлланиладиган шприцларни кўпайтиришга ҳаракат қиламан.

Қишлоқ аҳолисини газ билан таъминлаш ёмон аҳволда. 1988 йил баҳорида анкета орқали ўтказилган сўров маълумотларига кўра, хонадонларнинг 26 фоизи газлаштирилган, 0,02 фоиз хонадонда мўрча мавжудлиги аниқланди. Шунга кўра беш йил ичида хонадонларнинг камида 85—90 фоизини газлаштириш учун кураш олиб бораман.

Ҳа, унинг режалари кўп, ҳаммаси амалга оширилиши лозим бўлган долзарб ишлардир. Агар Турсуной опа Исоқова депутат бўлиб сайланиб қолса, у сайловчиларнинг наказларини ҳам, ўз ҳаракат дастурида баён қилинган вазифаларини ҳам бажариш учун тиниб тинчимай курашиши турган гап.

Айни пайтда Т. Исоқова Бўз ноҳия фирқа қўмитасининг котибаси бўлиб, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида хизмат қилмоқда. Шу билан бирга ноҳия хотин-қизлар кенгашининг раисаси ҳамдир. Бу тиниб-тинчимас раҳбар 6 нафар фарзанднинг онаси. Ҳавас қилса арзигулик уй бекаси.

— Қишлоқ хотин-қизларининг оғир аҳволи мени изтиробга солади. Уларнинг қалб нидосини эшитиб сергак тортаман. Мен ҳар бир аёлнинг кўзидан бахтли турмуш нурларини кўришни орзу қиламан.

Айни вақтда иқтисод фанлари номзоди унвони учун илмий иш олиб бораётган ва ўз зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан адо этаётган Турсуной опа Исоқованинг шу орзулари бузлик хотин-қизлар тимсолида рўёбга чиқишига ишонгим келади. У камтар ва ҳушфеъллиқда бошқаларга сира-сира ўхшамайди.

М. ҚОЗОҚОВА.

«Халққа хизмат—олий ҳиммат»



Мусоҳибадошимиз Ўш шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, 206-Ўш сайлов округидан Қирғизистон ССР халқ депутатлигига номзод Даврон Муродович СОБИРОВнинг қалб даъвати, амалий фаолияти ана шундай.

Даврон Собиров 1953 йилда Ўш шаҳрида зиёли оилада таваллуд кўрди. Шу шаҳардаги 22-ўрта мактабни 1970 йили тамомлаганидан сўнг ҳужжатларини Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг кечки бўлимига топширди. Меҳнат фаолиятини 1971 йилда «Главташкентстрой»нинг 43-қурилиш бошқармасида оддий ишчиликдан бошлади. Орадан икки йил ўтгач «СредазНИИНП» тажриба заводида газчи бўлиб ишлай бошлади. 1976 йилда қўлига диплом олганидан сўнг Ўш шаҳридаги «Киргизгазификация»нинг 2-қурилиш-монтаж бошқармасида мастер ва прораб бўлиб, 1979 йилдан то 1982 йилгача Ўш шаҳар комсомол қўмитасининг котиби вазифасида хизмат қилади. У қаерда ишламасин ўзига топширилган вазифани сидқидилдан адо этади. 1989 йил апрелида муқобил асосида ўтказилган сайлов натижасида Ўш шаҳар Совети ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари вазифасига сайланади. Ҳозир ҳам ана шу вазифани адо этиб келмоқда.

— Даврон Муродович, ҳозирги кунимизнинг энг долзарб вазифаси нима деб биласиз?

— Мамлакатимизда масъулиятли давр бошдан кечаяпти. Қайта қуриш, демократиялаш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар бизни инқироз-ҳолатдан олиб чиқишга хизмат қилиши керак. Шу маънода ҳозирги ўтказилаётган сайловлар инсон, ҳуррият йўлида қўйиладиган муҳим қадам бўлади, деб ўйлайман.

Мен коммунист сифатида ҳуқуқий давлат қуриш деб аталган асосни, инсонларнинг сиёсий, диний эркини ҳимоя қиладиган қонунлар ташкил этишига ишончим комил. Бу ўринда шоирнинг ўтли сатрлари ёдимга тушади:

Дилларида ғам тўла
бечораларга ёрман,
Вақти хуш, ғам
кўрмаганлардан тамом
безорман.

— Ўз ҳаракат дастурингизда қандай вазифаларни назарда тутгансиз?

— Аввало ҳаракат дастуримда бажарилиши мушкул, ҳавойи, ҳаётдан, имкониятдан йироқ ваъдалар баён қилинмаган. Одамларни алдаш вақти ўтиб кетди. Ишончсизлик, фаолиятсизлик, бефарқлик каби иллатлар маъмуриятчилик-буйруқбозлик системаси билан барҳам топмоғи лозим.

Халқ ҳокимияти деганда халқ устидаги ҳокимиятни эмас, балки халқ истаган, унинг ташвиш ва дардларини ифода этадиган, унга хизмат қилиши лозим бўлган кенгашни англамоқ керак. Ҳозирги долзарб масала халқ фаровонлигини барча воситалар билан кўтаришдан иборат. Мамлакатимиз халқининг турмуш даражаси жиҳатидан жаҳонда 41-ўринни эгаллаб келаётган бўлса, биз эса энг кейинги ўринда турибмиз. Бизнинг шаҳримизда камбағаллик 50 фоизга яқиндир. Кам даромадли аҳолининг асосий қисмини ерли халқ вакиллари ташкил қилади. Бундан ташқари ишсизлар учун янги иш жойларини ташкил этиш зарур. Шаҳримизда ишсизлар сони 3 мингдан ортиб кетди. Бу кўрсаткич жумҳуриятда 100 мингдан кўпни ташкил этади.

Ҳозир ҳар биримизнинг саховатли бўлишимиз лозим. Бир-биримизга, кексаю-ёшга, нажотталаб инсонларга мурувватли бўлишимиз керак. Бу иш авваламбор давлат, қолаверса, хайрия фондларини ташкил этиш йўллари билан бажарилиши мақсадга мувофиқ. Кекса авлодга ҳурмат, улар учун қайғуриш халқимизнинг азалий одати. Биз улар учун зарур бўлган маданий-маиший марказлар ташкил этишимиз ва ота-оналаримиз ҳамда қарияларни иззат-ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилишимиз зарур. Шундан мен ўз дастуримга яқин йиллар ичида иккита ана шундай маданий марказ қурилишини назарда тутганман.

— Ўрта Осиё жумҳуриятларида соғлиқни муҳофаза қилиш ва тиббиёт хизмати талаб даражасида эмас. Сиз бу соҳада қандай тадбирларни амалга оширишни режалаштиргансиз?

— «Халқ саломатлиги — юрт бойлиги» деб бежиз айтишмаган. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш эса жуда долзарб вазифа. Улар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш келажак авлод тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш демакдир. Лекин бизда беморларга ҳам етарлича зарур тиббий ёрдам кўрсатилмаяпти. Бу ўринда врачларимизга ҳам осон тутиб бўлмайди. Чунки уларга зарур шарт-шароитлар яратиш иккинчи даражали иш бўлиб келди. Шаҳримизга кўп тармоқли болалар касалхонаси зарур. Шу мақсадда мен шаҳримиз учун болалар поликлиникаси ва дорихона қуриш масаласини шаҳар медицина ҳаракатномасига киритишни жумҳурият Олий Советига қўйишни мақсад қилиб қўйганман.

Инсонларнинг сиҳат-саломатлиги атроф-муҳитнинг тозалигига ва ичимлик сувига ҳам боғлиқ. Шунингдек, аҳолининг маданий савиясини кўтаришда ва мушкулини осон қилишда табиий газ билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Касбим газчи бўлганлигидан ҳам бу ҳозир аҳоли учун долзарб масала эканлигини яхши англайман. Менинг ҳисоб-китобимга кўра, Жанубий шаҳарчада 1995 йилга қадар барча хонадонларни тўла газлаштиришга эришиш мумкин.

Бунинг учун эса аввало шаҳримизни газ билан таъминлашни яхшилаш зарур. Шу мақсадда Андижондан Ўшгача иккинчи газ қувури қурилишини келгуси беш йиллик режасига киритиш масаласини ҳал этишга ҳаракат қиламан. Бу ижтимоий танглйкни, экологик ҳолатни енгиллаштиришга ёрдам беради.

Шаҳарни кўкаламзорлаштириш, ҳиёбонлар ташкил этиш ғоят муҳим. Шундай мақсадларга ажратилган ерларни эса шаҳар меъморчилик бошқармаси бошқа мақсадларга буриб юборди. Бу камчиликни бартараф этиш керак. Мана бу рақамларга бир эътибор қилинг: шаҳримиз озиқ-овқат дўконлари билан 76 фоизга, саноат, савдо дўконлари билан 59 фоизга, маиший хизмат шохобчалари билан 50 фоизга таъминланган, холос. Бизнинг шаҳарчамизда эса мазкур кўрсаткич ундан ҳам паст. Бу ерда ҳатто бозор йўқ, гузарларни сўраманг. Хизмат сифати талабга жавоб бермайди.

— Ўзбек мактабларини битирган ёшларга ўқишни давом эттириш учун қандай шарт-шароитлар мавжуд?

— Халқимиз қадимдан қардош ва жондош. Асли халқ орасида миллат сўзи янги. Боболаримиз андижонлик, қашқарлик, ўшлик, ўзганлик ёки фарғоналик, хоразмлик атамаларни ишлатишган. Шундан ҳам бу ерда ўзбек мактабларини битириб чиққан ёшларни ҳисобга олиб, жумҳуриятнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўзбек группалари очиш мақсадга мувофиқдир.

«Бирлашган — ўзар», дейди доно халқимиз. Халқларимиз ҳамиша ана шу ўгитга амал қилиб келишган. Ўйлайманки, биз ҳам биргалашиб жумҳуриятимизни, вилоят ва шаҳримизни гуллаб-яшнашига, ҳавас қилса арзигулик ўлкага айлантирамиз. Шундан ҳам сайлов кампаниясида шаҳримизнинг азиз ва ардоқли, кўпни кўрган ва тажрибали кишиларидан Бўрибой ака Жўраев ҳамда Анатолий Григорьевич Томенколар билан иштирок этаётганимдан фахрланаман. Ахир «Халққа хизмат — олий ҳиммат» деб бежиз айтишмаган. Ниятим халқимизнинг ҳамиша хизматида бўлишдир.

— Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур.

Мусоҳибани К. РАҲИМ олиб борди.



«Фарғона» совхози яқин-яқинларгача Қамаши ноҳиясидаги энг қолоқ хўжаликлардан бири саналарди. 1986 йилда Рашид Норбўтаев мазкур хўжаликка директор бўлиб ишга ўтди. Унинг кишилар қалбига йўл топа олиши, тадбиркорлиги, ишбилармонлиги туфайли йигирма йилдан буён қолоқлик ботқоғидан чиқолмаётган совхозда ижобий томонга ўзгаришлар бўла бошлади. Давлат олдидаги қарзлардан қутилди. Пахта ҳосилдорлиги икки баравар ўсди. Кейинги уч йил ичида 26 та иншоот фойдаланишга топширилди. Ўтган йили якуни бўйича олинган соф фойда салкам 3 миллион сўмни ташкил этди. Халқ турмуш фаровонлигини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган Рашид Норбўтаевнинг номзоди 213-Қамаши сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатилди.

Суратда: Р. Норбўтаев невералари билан.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

ЭЗГУЛИК ГИРДОБГА ТУШМАС

ТАНИШИНГ: Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод — **Абдураҳмон ИСМОИЛОВ,** иқтисод фанлари доктори, профессор. Самарқанд Давлат қишлоқ хўжалиги институтида кафедра мудири.

Бугунги кунда иқтисодий муаммолар ҳаммани ташвишлантирмоқда. Бу муаммолардан қутилиш йўллари изланмоқда. Хўш, иқтисод фанлари доктори ўз ҳаракат дастурида нималарга эътиборни қаратган. Бир танишиб кўринг-а.

Самарқанд шаҳридаги 280-Гагарин сайлов округидан рўйхатга олинган Абдураҳмон Исмоиловнинг ҳаракат дастуридан кўчирма:

— Жумҳурият халқ депутатлигига менми ёки бошқа бирор муносиб номзод сайланадими, энг муҳими, халқ сайлаган киши ўз фаолиятида билимдонлик, ростгўйлик намунасини кўрсатиши, жумҳурият тараққиётига кўпроқ ҳисса қўшиши керакки, давр ўтиши билан яна кўпгина ташкилий ишларни, катта иқтисодий ва маънавий зарарлар ҳисобига қайта ўзгартиришга зарурат туғилмасин.

Мен парламентда қабул қилинадиган барча қарор ва қонунлар адолатли бўлишини, жумҳуриятимиздаги ҳар бир одамнинг мақсад, интилишлари, миллатидан қатъий назар социалистик ҳуқуқий давлатнинг қонуний манфаатларига тўлиқ мос келиши учун (депутат бўлсам) ўз фикр-мулоҳазамни қатъий ҳимоя қиламан.

Жумҳурият Олий Совети фаолиятининг ҳаётийлиги ҳар бир депутатнинг лаёқатлигига, ҳаққонийлигига, ўз масъулиятини тўлиқ ҳис этишига бевосита боғлиқдир. Чунки уларнинг ҳар бири алоҳида ва биргаликда жумҳурият тараққиётининг барча табақаларига жавобгардирлар.

Жумҳурият Олий Советининг фаоллиги жумҳурият пул маблағига, ундан ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётига тўғри йўналтирган ҳолда тежамкорлик билан фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Шундай иқтисодий ислоҳот учун курашмоқ лозимки, бунда ҳар бир киши ҳам шахсий иқтисодини яхшиласин, ҳам жамоа бойлигига бойлик қўшсин. Бунинг учун жамиятдаги иқтисодий тафовут — ўта камбағал, кўп болали кам харж оилаларга, ёлғиз қарияларга, ногиронларга, қишлоқдан келиб ўқиётган, уйидан ёрдам келмайдиган талабаларга, муҳтож одамларга ёрдам бериш имконияти яратилиши лозимдир.

Менинг тасаввуримда, Олий Советнинг муҳим вазифаларидан бири — барча истиқболли тараққиёт кучларини бирлаштирган ҳолда жумҳуриятнинг ўз ери, ер ости ва ер усти барча бойликларини жумҳурият мулки, деб тан олиш негизида мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлган регионал хўжалик ҳисобини яратишдан иборатдир.

Халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, унга кўпчилик омма иштирокини таъминлаш, ҳозиргача амал қилиб келинган маҳкамачилик тартиботларининг яроқсиз усулларини синдириб, маҳаллий кенгашлар фаолиятидаги ўз-ўзини бошқариш тартиботларини қарор топтиришдан иборатдир.

Самарқанд шаҳрида ва вилоятида маънавий камолот азалдан қадрланиб келади. Бу оилада, мактабда, олий билим даргоҳларида шаклланади. Бошқа шарт-шароитларни инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ижобий ўзгаришлар тўғри ва чуқур таълим-тарбия савиясига боғлиқ. Парламентда жамиятнинг тараққиётида юксак билимли шахсларга бўлган талаб бекиёс ўса бориши ва уларни вужудга келиши лаёқат ва касбни чуқур эгаллаш маҳсули эканини ҳар қачонгидан ҳам ўткирроқ қилиб қўйишни тақозо этади.

Мудроқлар тарқаётгандай. Халқ ҳар бир масалага ва фаолиятга ўз муносабатини билдиришни ўрганди. Аслида бу ўзлигимизни англаш демакдир. Халқнинг фаровон яшаши учун жон куйдирувчи инсонларни уларнинг ўзлари яхши ажратиб оладилар. Оддий халққа «доно» ўргатувчининг ҳеч ҳам кераги йўқ. Зеро, эзгу ниятли инсонларнинг гирдобга тушмасин яхши ишлари, фазилатлари билан қалқиб юзага чиқиб тураверадилар.

Халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга ҳаракат қилишни депутатликнинг асосий вазифаси деб билган Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Абдураҳмон Исмоилов сайловчилар ишончига сазовор бўлишига ишонгинг келади.

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Хорижлан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

СОФИЯ. Якшанба куни БХР пойтахтида бўлиб ўтган мажлисда ҳозирги босқичда Болгария Коммунистик партияси олдида турган кечиктириб бўлмайдиган вазифалар муҳокама қилинди. Мажлисда партия Олий Кенгашининг ва БКП парламент группасининг аъзолари, партия фаоллари иштирок этишди. БКП партия Олий Кенгаши Президиумининг Раиси Александр Лилов «Партияни янгилаш ва парламент сайловига тайёргарлик — БКП навбатдан ташқари XIV съезди қарорларини амалга оширишнинг ягона жараёни» мавзусида доклад қилди.

Партия ўз сафларидаги қолоқлик ва сусткашликни ҳали бартараф этганича йўқ, бу собиқ авторитар режим мамлакатни жиддий сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий танглик ҳолатига солганлигининг оқибатидир, деб таъкидлади нотиқ. Съезд қарорларини амалга ошириш ва парламент сайловига фаол тайёргарлик кўриш йўли билангина, деб уқтирди у, бу хавфли ҳолатдан чиқиш мумкин бўлади.

ХАРАРЕ. Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси раҳбари Нельсон Мандела мамлакатнинг барча гражданларини апартеидга қарши курашни кучайтиришга даъват этди. Жанубий африкаликларнинг аксарияти бу системанинг истиқболи йўқлигини ва у тинчлик, хавфсизлик ва демократияни қарор топтириш учун қилинган биргаликдаги қатъий ҳаракатлар йўли билан тугатилиши лозимлигини англаб етди, деб таъкидлади Н. Мандела якшанба куни Кейптаунда бўлиб ўтган жуда катта митингда. 27 йилдан кўпроқ умрини қамоқда ўтказган озодлик учун мард курашчини қутлаш учун шаҳар марказидаги муниципалитет олдида 60 мингдан зиёд одам тўпланди.

БОНН. ГФРнинг таниқли сиёсат арбоблари Нельсон Мандела озод қилинганлигини қутламоқдалар. У ғайриинсоний апартеид системасига қарши зўравонликсиз курашнинг тимсоли бўлиб қолди, деб таъкидлади бугун бу ерда тарқатилган баёнотда ГФР ташқи ишлар министри Ганс-Дитрих Геншер. Манделанинг озод қилинишини Г.-Д. Геншер ЖАРдаги миллий мулоқот йўлидаги ҳал қилувчи қадам, деб ҳисобламоқда. ГФР ҳукумати бу мулоқотни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам беради ва бошқа сиёсий тутқунларни озод этиш ҳамда фавқулодда ҳолатни тўла бекор қилиш уни ўтказишнинг зарур шарти деб ҳисоблайди, деб таъкидлади министр.

ОТТАВА. Канада пойтахти яқин кунларда жаҳон жамоатчилигининг диққат-марказида бўлади. Бу ерда «очиқ осмон» мавзуига бағишлангач конференция иш бошлади. Унинг мақсади — ўз осмонларини бир-бирлари учун очиб беришга рози бўлган мамлакатларда фазо назорати механизмини яратиб, Шарқ билан Ғарб ўртасида мустаҳкамланиб бораётган ишонч жараёнига сифат жиҳатдан янги мезон бахш этишдир. Бунда гап кузатишлар учун зарур бўлган барча ускуналар билан жиҳозланган қуролсиз самолётлар учиши тўғрисида бормоқда. Ҳали ҳар бир мамлакат учун белгиланган учишларга тааллуқли кўпгина жиҳатларни, сенсорлар характерини, сўровлар бериш тартибини, назоратни ташкил қилишнинг муваққат чегараларини ва бошқаларни келишиб олиш керак бўлади.

Конференцияда иштирок этиш учун бу ерга Варшава Шартномасига ва НАТОга аъзо бўлган 23 мамлакатнинг ташқи ишлар министрлари келишди.

ЛУСАКА. Замбия президенти Кеннет Каунда бошқа давлатларга мурожаат қилиб, бир ҳафта муқаддам Африкадаги бу республика пойтахтида авж олган ўлат эпидемиясини тугатишда ёрдам беришга даъват этди. Шаҳар маъмурлари ва соғлиқни сақлаш органлари кўраётган чора-тадбирларга қарамай, эпидемия манбаини тугатишнинг иложи бўлмаяпти ва шаҳарда ҳозирнинг ўзидаёқ 25 киши ҳалок бўлди, деб хабар қилди у якшанба куни Лусакада америкалик руҳонийлар группасини қабул қилганида.

Шанба куни Буюк Британиядан Замбияга махсус рейс билан юк келтирилди. Унда дори-дармонлар ҳамда даҳшатли касаллик пайдо бўлишининг олдини олувчи зардоб бор. Лусака маъмурлари кейинги кунларда барча ўқув юртларини ёпиқ деб эълон қилдилар ва кўчада савдо-сотиқ билан шуғулланишни тақиқлаб қўйдилар. Бироқ ҳозирча эпидемия тарқалишини тўхтатишнинг иложи бўлмаяпти.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

СОВҒАГА... СОАТ

● СТОКГОЛЬМ шаҳридаги ҳайвонот боғида камдан-кам учрайдиган маросим бўлиб ўтди. Ҳиндистоннинг Гоби лақабли фили ушбу жойга келтирилганлигининг 25 йиллик юбилейи нишонланди. Филга катта осма соат совға қилиниб, ҳайвон тумшуғига илиб қўйилди.

МАРКАЗГА КИРДИНГМИ — ҲАҚИНИ ТЎЛА!

● ШАҲАР бюджетини кўпайтириш учун нима қилиш керак? Кундан-кунга қимматлашиб бораётган йўл қурилиши, кўчалар ремонтига маблағни қаердан олиш мумкин? Шаҳардаги экологик аҳволни қандай қилиб яхшилаш мумкин? Осло шаҳри раҳбарлари бу муаммоларни ҳал этишнинг йўлини топишди — бундан буён автомобилда шаҳар марказига кириш учун ҳақ тўланадиган бўлди. Енгил машина эгалари — 10 крон, юк машинаси ҳайдовчилари эса 20 крон тўлайдилар. Мабодо, бирор ҳайдовчи марказга кирганлик учун пул тўламасдан «қуён» бўлса, унга катта миқдорда жарима солинади.

ЧОЙНАКЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ

● КИМДИР марка йиғади, бошқа киши эса чўнтак календари. Буюк Британиянинг Норвич қасрида чой дамланадиган чойнаклар коллекцияси бор. Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ — ахир инглизлар азалдан чойхўр халқ ҳисобланади. Лекин, қасрдаги чойнакларни кўрган киши ҳайрон қолади. Ахир бу ерда турли ҳажмдаги 2600 та чойнак бор-да!

УЧ КИЛОМЕТРНИ 22 МИНУТДА!

● ИСПАНИЯДА яшовчи 35 ёшли Хосе Гонсалес исмли киши уч километрни 22 минутда босиб ўтди. Шу ҳам натижа бўлдими, бошқалар ундан ҳам тез югуради, деб айтарсиз. Гап шундаки Гонсалес бу масофани югуриб эмас, балки ўмбалоқ ошиб босиб ўтди. У мунтазам машқ қилиб, 42 километрлик масофани ҳам ўмбалоқ ошиб ўтмоқчи.

Ҳамқишлоқлар

Садоқат

Абдулҳолиқ ўртоқлари билан хайрлашиб, уйга, жонажон қишлоғи Қарлиққа, она бағрига қайтишга тайёргарлик кўрарди. Германия Демократик Жумҳурияти шаҳар ва қишлоқлари, унинг табиати, қадимий ёдгорликлари ва замонавий усулда барпо этилган иншоатларини акс эттирувчи, аскарлик йилларидан ҳикоя қилувчи суратларнинг ўзи бир неча альбомга жойлаштирилди. Ижодий ишни бир зум ҳам тарк этмади. Қатор ён дафтарларда битилган юрак сирлари — ашъорларни алоҳида сақлади. Уйга қайтишга бир неча кун бор, аммо куннинг ўтиши бунчалар секин...

Абдулхолиқ соғ-саломат қишлоққа келса, элга ош бераман, деб қадрдонларининг кўзлари дарвозага қадалган. Тиқ этса, ҳамма югуради. Болаларни айтмайсизми?! Қўйларни боқишни ҳам исташмайди. Қайси бири суюнчига чопишни, бошқаси беш юлдузли шапканинг эгаси бўлишни, кимдир аскар қайишини олишни орзу қилади.

Абдулхоликнинг ўрнига телеграмманинг келиши барча орзу-умидларни чил-парчин қилиб юборди: «...Хизмат бурчини ўташ арафасида оғир жароҳатланди...»

У узоқ муддат госпиталда ётди. Умуртқа поғонаси қаттиқ зарарланиб, натижада иккала оёғи ишламай қолганди. Даволангач, Совет Армияси 1-группа ногирони бўлиб она қишлоғига қайтди.

Энди тақдирга тан бермасдан илож йўқ эди! Ёшликдан ҳамроҳ бўлган шеърият уни ёлғиз қолдирмади. Чунки Абдулхолиқ Мустафоев адабиётга садоқатли эди, ижодий камолот ҳам умрининг охиригача унга садоқатли бўлди. Юрак дардларини қоғозга туширди. Қалб сирларидан севимли ёзув машинкаси воқиф бўлди. Кундалик матбуот нашрларини доимий суҳбатдоши деб билди. Жамиятимизда бўладиган янгиликлар ва дунё воқеаларидан ҳамиша хабардор бўлди. Ўз қалами билан жамоат ишларида фаол қатнашди. Абдулхолиқ Мустафоев шеърият туфайли ўз бахтини топди.

1980 йилда ҳамқишлоғи, истеъдодли шоира Руқия Низомова билан турмуш қурди.

Шоир «Сени топдим...» шеърини севимли, садоқатли ёрига бағишлади:

Сени топдим охири
Йиллар қидириб.
Кулди фасли баҳорим
Гўё гуркираб.
Энди армоним йўқдир,
Бор экан бахтим.
Севгим мангу маёқдир,
Ёруғ ҳаётим.

Абдулхолиқ Мустафоев ҳукумат томонидан бепул машина билан таъминланди. У мухбирлик касбини ҳам давом эттира бошлади. Меҳнатсевар, софдил ҳамқишлоқлари ҳақидаги лавҳа, очерк ва корреспонденциялари, бюрократ, мансабпараст, лаганбардор кимсаларни фош этувчи танқидий мақолалари мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди.

У фаол жамоатчи мухбир сифатида «Қишлоқ ҳақиқати», «Ёш ленинчи», «Қашқадарё ҳақиқати», «Ленинчи», «Дўстлик байроғи» газеталари ҳамда «Ўзбекистон социал таъминоти» журнали редакциялари ходимлари билан ижодий алоқа ўрнатди. Мазкур матбуот нашрларида шеърлари ҳам тез-тез босилди. Ўз шеърлари билан жумҳуриятимиз радиосининг «Нафосат», «Садоқат», «Жасорат» номли махсус эшиттиришларида қатнашди.

Абдулхолиқ Мустафоев проза жанрида ҳам ижод қилди. Кишиларни эзгуликка ундовчи, шу билан бирга жамиятимиздаги салбий ҳолатларни фош этувчи «Ташвишли кунлар» номли қиссасининг биринчи қисмини тугатиб, иккинчи қисмини якунлашга улгуролмади...

1989 йил 5 январь. Абдулхолиқ Мустафоевнинг 35 ёшга кириши нишонланадиган кун. Шоирнинг яқин қариндошлари, оила аъзолари, танишлари туғилган куни билан қутлагани шошилмоқдалар... Э, воҳ! Ким билсин бу қувончли куннинг қайғуга айланишини. Тақдир ўйинлари бешафқат!

Абдулхолиқ Мустафоев ҳаётдан бевақт кўз юмди. Фарзандлари Эркинжон, Зоир, Зуҳра, Бобур ва Беҳзодларнинг нигоҳларида Абдулхолиқ Мустафоев бир умр 35 ёшли бўлиб қолди...

Бугунги кунда Руқия опа Абдулхолиқ Мустафоевнинг ишини давом эттирмоқда. Ўқимишли шеърлари ва долзарб мавзулардаги мақолалари билан аллақачон ўз ўқувчиларини топиб олган Руқия опа катта оила ташвишида. Бўш пайтларида ижод билан шуғулланади. Беш фарзандга ҳам она, ҳам ота.

Шоирнинг онаси 65 ёшли Гулхан буви Равшанова:

— Ўғлим фарзандларига ҳам шоирларнинг номини қўйган, Бири-биридан ширин, — дейди невараларини бағрига босиб.

Учинчи синфда ўқиётган Эркинжон ҳам шеърлар ёзаркан.

— Шеър-қалб мулки. Ёзганлари шеър бўлсин! — дейди умид билан Руқия опа.

Қарлиқ қишлоғидаги Бобур номли мактабнинг пионерлар дружинаси шоир Абдулхолиқ Мустафоев номи билан аталади. Бу ерда шоир ижодини мужассам этган маҳаллий ва жумҳурият газеталари ҳамда «Гулистон» журналининг 1988 йил 12-сони алоҳида сақланмоқда. «Ўзбекистон социал таъминоти» журналидаги суратли мақола эса Абдулхолиқ Мустафоевнинг мухбирлик фаолиятидан ҳикоя қилади.

Абдулла АЙИЗОВ,
Рамазон ТЎРАҚУЛОВ.
Қашқадарё вилояти,
Муборак ноҳияси.

Ғолиблар Душанбега боради

Қоракўл ноҳиясининг Жиғачи қишлоғи ҳудудида жойлашган «Бухоро» жамоа хўжалигида ўтган «Келинг, беллашайлик!» конкурси иштирокчилари февраль ойининг иккинчи ўн кунлигида Душанбе шаҳрига боришади. Уларни жамоа хўжалиги комсомол қўмитаси ана шундай бепул сайёҳат йўлланмаси билан тақдирлади.

Янглишмасам, бизнинг ноҳиямизда саноқли маданият саройлари бор. Ана шундай замонавий ҳордиқ масканларидан бири биз жиғачилик ёшларга насиб этганидан шукроналар қиламиз, Хўжалигимиз маданият саройида ёшларнинг мириқиб дам олишлари учун аксари шароит муҳайё қилинган. Эшиклар йигит-қизларга ҳамиша очиқ. Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, биз ҳеч қачон бошқа бир жойдан келиб, кўнглимизни кўтаришларини, маданий тадбирлар, куй ва қўшиқлар «ҳадя» этишларини кутиб ўтирмаймиз. Ҳаммасига ўзимиз ҳаракат қиламиз.

Яқинда жамоа хўжалигимиз комсомол ташкилоти ташаббуси билан бу ерда «Қани, беллашайлик!» мусобақасини ўтказдик. Кўрикнинг бу галги қатнашчилари одатдагидан бошқачароқ эди. Улар 4-бригада комсомол - ёшларининг «Оқолтин» ҳамда 16-бригада ёшларининг «Пахтаой» командалари бўлди.

Кўрик тафсилотига батафсил тўхталиш ниятим йўқ. Энг муҳими пойтахтлардан олисда туриб ҳам бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш мумкин эканлигига яна бир карра амин бўлдик. Бундай беллашувлар ёшларнинг меҳнат кўтаринкилигини ошириб, уларнинг кайфиятига кайфият қўшади. Яна бир мароқлиси шундаки, қарияларимиз, ота-оналаримиз ҳам бундай тадбирларга бефарқ муносабатда эмаслар. Улар ҳам бизга у ёки бу ўринларда маслаҳатлар беришади, йўл-йўриқлар кўрсатишади. Бизнингча, ҳар бир ёш учун бундан мароқлиси бўлмаса керак. Кўрикда иштирок этган командалар бошлиқлари Моҳитобон Чориева ҳамда Лола Қамаридиноваларнинг гул мавзуидаги айтишувларини, шунингдек байналмилал-жангчи И. Қодиров, илғор соғувчи Д. Ҳафизова, колхозчи қизлардан Г. Бекпўлатова, Д. Холбоева, дурадгор Д. Ҳотамовларнинг зийрак ва зукколигидан кўпчилик қувонди.

Раъно РАЖАБОВА,
«Бухоро» жамоа хўжалиги комсомол ташкилоти котибининг ўринбосари.

ЭСЛАТМА: Бухоро вилоятининг Қоракўл ноҳиясидаги Жиғачи қишлоғи ёшлари жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларидан истовчи қишлоқ йигит-қизларини биргаликда беллашишга чақиришмоқчи. Нима ҳам дердик, мардлар бўлса, марҳамат!



Қишлоқ ферма аъзоларининг кўпчилигини аёллар ташкил этади. Шунданми, у ерларда бўлсангиз, орасталикни, саранжом-саришталикни кўриб дилингиз ёзилади. Ғаллаорол ноҳиясидаги Ленин номли совхоз фермасида ҳам шундай ажойиб ҳолатни кўришингиз мумкин. Аҳил коллектив 1990 йилнинг дастлабки ойини кўтаринки руҳда якунлади. Пландаги 40 тонна ўрнига 42 тонна сут, 50 тонна ўрнига 64 тонна гўшт етиштирилди.

Суратда: бригада бошлиғи Маҳфуза Маматова ҳамкасблари билан.

У. ҚЎШВОҚОВ сурати.

Сиз севган қўшиқ

Ҳар бир қўшиқнинг ўзи—муҳаббат

Кунчивоқда ўтирганча, кўзларини юмиб, мен ҳеч қачон эшитмаган қўшиқни айтиб ўтирган бувимдан сўрайман: «Буви, қўшиғингиз муҳаббат ҳақидами?» У киши кўзларидаги ёшни артадилар: «Болам, қўшиқ муҳаббат ҳақида бўлмайди. Ҳар бир қўшиқнинг ўзи — Муҳаббат. Агар унда муҳаббат бўлмаса, қўшиқ бўлолмайди, дилларга эзгулик улашолмайди».

— Дардли, аламли қўшиқ бўлса-чи?

— Хоҳ жигарпорасидан айрилган онанинг қўшиғи бўлсин, хоҳ элингни, элатингни куйла, хоҳ меҳнатингни ашулага сол, барида муҳаббат бўлади.

Бувимдан кўзларидаги ёшнинг сабабини сўрайман. Йиллар из ташлаб кетган юзларга ёруғлик югуради.

— Болам, йиғлаб айтилсагина у ҳақиқий қўшиқ бўлади

Ана, пағa-пағa қор ёғаяпти. Дераза ойнасидан оқликқа термулганча, хаёлга толасан. Бу вақтда тинглашга бир қўшиқ бўлса. Хаёлларинг ўша билан уйғунлашиб, сени янада эзгуликлар сари етаклайди.

Нима учундир бувимнинг «Йиғлаб айтилгани асл қўшиқ бўлади» деган сўзларини тез-тез эслайман. Баъзан юракдан айтилмаган айрим қўшиқларни эшитсанг, халқимизнинг катта китобига хашаки «меросчалар» қўшилиб қолаётганидан хафа бўлиб кетасан.

Лекин шукроналар бўлсинки, дардимизга дардкаш, қувончимизга қувонч қўша оладиган куй-қўшиқларимиз, ҳофизу санъаткорларимиз кўп. Уларни халқ севади, ардоқлайди.

Шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Кўнглимдаги ёр» шеъри ана шундай қўшиқлар сирасига киради.

Ойсара ДАДАЕВА.

Муҳаммад ЮСУФ шеъри,
Халқ куйи.

Кўнглимдаги ёр

Муҳаббат боғига кирмадим бир бор,
Суйган гулимга қўл урмадим бир бор.
Энди тунлар йиғлар менга қўшилиб,
Қўйнимда бир ёр-у, кўнглимда бир ёр...
Бири-бирига ўхшамас, ё раб,
Кўзимнинг ёшлари тўхтамас, ё раб.
Куярман бир унга, бир бунга қараб,
Қўйнимда бир ёр-у кўнглимда бир ёр.
Бирин эркалайман нигоҳим билан,
Бирисин эркалаб дудоғим билан,
Яшарман савобу гуноҳим билан,
Қўйнимда бир ёр-у, кўнглимда бир ёр.
Бирин ҳур дейин-му, бирин гулойим.
Суймаганим суйганимдан мулойим.
Бу қандай кўргилик экан, илойим,
Қўйнимда бир ёр-у кўнглимда бир ёр.
Дарёман, иккита, қирғоқда кўзим,
Товонимда бўзим, томоқда бўзим,
Икки ўт ичида қийноқда ўзим,
Қўйнимда бир ёр-у, кўнглимда бир ёр.

«Ўгай қишлоқ»

Бундан роппа-роса ўттиз йил илгари «Москва» колхозининг Хўжамулки участкаси аҳолиси Сурхон сув омбори ташкил қилиниши натижасида янги ер массивига кўчирилганди. Йиллар ўтиб борйўғи 550 кишидан иборат бўлган қишлоқ аҳлининг сони ҳозир 2500 кишидан ошиб кетди. Пастак гувала уйлар ўрнини баланд иморатлар эгаллади, ер эса бир замонлар 500 кишига ажратилган ҳолича мунғайиб қолаверди. Тараққиётни тўхтатиб бўлмайди. Қишлоқ қулоч ёзгандан ёзиб, чорва моллари боқиладиган адирларга ҳам «ошён» қурди.

Шаҳарга тушган отасининг олдига ирғишлаб келган бола бошқа қишлоқлардаги тенгдошларидек, тўрхалтада шаҳар дўконларидан келтирилган ўйинчоқ ёки кийим-кечакни эмас, қовун, тарвуз, картошка, пиёзни кўради. Ажабланманг, хўжамулкиликлар барча сабзавот ва полиз экинларини 35 километр олисдаги шаҳар бозоридан харид қилишга мажбурлар. Чунки қишлоқда полиз экиш учун бирор гектар ер ҳам, оддий сабзавот дўкончаси ҳам йўқ.

М. Горький номли ўрта мактаб территориясида туғруқхона қурилармиш, йўғе, ҳаммом бўлади дейишяпти, каби миш-мишлар анча вақтгача қулоққа чалиниб юрди. Қишлоқ амбулаториясининг нима сабабдан участкадаги ягона мактаб майдонида қурилаётгани ҳеч кимни таажжубга солмади.

— Шундоқ ҳам синфхоналар кам, бунинг устига тор, дейди мактаб директори Н. Абдураҳимов. — Ислоҳотга зид тарзда ҳамон болаларни икки сменада ўқитяпмиз. Кабинет системасини қўллашга эса ҳеч қандай имконият йўқ.

— Унда нега мактаб территориясида қўшимча ўқув корпуси эмас, амбулатория қуриляпти?

— Чунки бошқа ер йўқ эмиш. Қишлоққа амбулатория ҳам зарур-да. Илож қанча. Райкомдагилар ҳам 1992 йилда янги мактаб биносини қуриб беришни ваъда қилишди...

«Ваъда қилишди!»

Раҳбарлар шу вақтгача хўжамулкиликларга фақат ваъда қилиб келишган. Сувдан қуруқ чиқишнинг осон йўли шу-да!

Қумқўрғонда Хўжамулки қишлоғини кулги аралаш бироз киноя билан «область маркази» ёки қисқагина қилиб «автоном» дейишади. Сабаби, бир вақтлар қишлоқ аҳли қўшимча майдон берилишини талаб қилганди. «Ўзлари борйўғи бир участка-ю, тағин сўраган ерлари фалон гектар! Нима, янги колхоз тузмоқчимисизлар?» «Катта»нинг ўша гапи бўлди-ю, Хўжамулкига ер эмас, янги «ном» тақалди-қолди.

Хўжамулкиликлар қачонгача емаган сомсасига пул тўлаб ўгай — «автоном» номни ўқиниш билан кўтариб юришаркин?

Д. ҚЎЗИЕВА,
Тошду талабаси,
Сурхондарё вилояти.

Долзарб мавзу

Боши берк кўчами?

...Қишлоқда ўтказиладиган йиғилишга борган ноҳия комсомол қўмитаси вакилига ёшларнинг бири дангал савол берди:

— Қўшни «Коммунизм» жамоа хўжалигида тикувчилик фабрикаси ишга тушаётганмиш, шу гап ростми?

Савол-ку ўз йўли билан, аммо унинг замирида бошқа нарса — турмушнинг оғир юки, ўкинч, эртанги кун ташвишлари ётганини, одамлар қалбини ишсизлик дарди ўртаб юборганини комсомол қўмитаси вакили сезиб турарди.

Раис унинг жонига оро кирди:

— Озгина фурсат чидаб беринглар, тикувчилик фабрикамиз бўлмаса-да, катта ёрдамчи хўжалигимиз бўлади, мебелсозлик корхонаси қурамиз, ғишт заводини кенгайтирамиз, иссиқхонамизга қўшимча ишчи кучлари жалб этамиз.

«Москва» жамоа хўжалиги раиси С. Нуржонов тилидан қўчирган бу гаплар амалга ошишини бугунги кунда қишлоқда юзлаб ёшлар интиқ бўлиб кутишмоқда. Жамоа хўжалиги Шоботнинг йирик хўжаликларидан — унда ўн мингга яқин киши истиқомат қилади. Ёшлангларнинг ўзи 6 мингдан зиёд. 2,5 минг гектарга яқин деҳқончилик майдони бор. Меҳнат қилишга қурби етадиганлар эса 6 мингдан зиёд. Уларнинг тенг ярми бугунги кунда иш изламоқда.

Ўзига мақбул машғулот илинжида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезаётганларни ҳар қадамда учратасиз. Ишсизлик биргина Шоботда эмас, балки бутун Хоразмда ўткир ижтимоий муаммога айланди. Бундан 2-3 йил муқаддам бошланган қисқартириш, тугатиш тадбирлари вилоятга наф олиб келмагани бугунги кунда барчага аён. 87 минг киши истиқомат қилаётган Шобот ноҳиясида 10 мингга яқин, бир миллионли вилоятда эса 80 мингдан 100 минггача ишсиз борлиги расмий доираларда бир неча бор тилга олинди.

Хоразм воҳаси мамлакатда аҳоли сони табиий туғилиш ҳисобига энг тез суръатлар билан ўсаётган вилоятлардан бири эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Воҳада аҳоли истиқомат қилиш мумкин бўлган ҳар бир квадрат километр майдонга 270 киши тўғри келади ва аҳоли зичлиги бўйича Фарғона водийсидан кейин жумҳуриятда иккинчи ўринни эгаллайди. Водийдаги тартибсизликларнинг бир учи аҳолини иш билан таъминлашдаги сансалорликларга бориб тақалганини назарда тутадиган бўлсак, ушбу муаммони ҳал этишнинг воҳа учун ҳам аҳамияти катталиги аён бўлади-қўяди.

Шу кунларда иш сўраб, идора ва ташкилотлар эшигини қоқаётган ёшларни санаб адоғига етиш қийин.

Ҳаммага ҳам тирикчилик зарур. Иш ўринларидан маҳрум этилганлар бир-икки ойни амал-тақал ўтказишади. Кейин эса зерикиш, қолаверса, йўқчилик... оқибат боши берк кўча — жиноят ёки ошкора норозилик.

— Ишсизлик ва унинг оқибатидан келиб чиқаётган тараллабедодликнинг тезда олди олинмас экан, натижаси аянчли бўлиши аниқ, — деди яқинда ноҳия фирқа — хўжалик фаоллари йиғилишида сўз олган кекса коммунист, меҳнат ветерани И. Хўжаев куйиниб, — мен раҳбарларни фаросат билан иш тутишга, ишсизларни ранжитмасликка, зудлик билан янги иш ўринлари очиб бериш чораларини кўришга даъват этаман.

Янги хўжалик ҳисоби муаммолари ва одамларга иш ўринлари топиб беришда юзага келган мураккаб вазият жамоа хўжалиги правлениеси раиси Э. Йўлдошевни анчадан буён ташвишга солиб келаяпти.

— 1989 йилда хўжалик ёппасига ижара усулига ўтгач, мушкул ҳол рўй берди, — ҳикоя қилади у. — Аввалари 3,5-4 минг киши ишлаб келган жамоада 780 оила ва атиги 1800 киши ўзининг муқим иш ўрнига эга бўлди. Қолганлари эса...? Йўқ... уларга қўл силтаёлмасдик. Қўшни Тошҳовуз вилояти хўжаликлари билан дўстона ҳамкорлик қила бошладик. Октябрь ноҳиясида фойдаланилмай ётган бутун бир яйдоқ чўлни ижарага олдик.

«Коммунизм» жамоа хўжалиги бу йил ёзда яна бир фойдали ишга қўл урди. Э. Йўлдошев Орёлга қилган сафарларининг бирида вилоят фирқа қўмитаси саркотиби Е. С. Строев (ҳозирда фирқа марказқўми котиби) ҳузурида йирик тикувчилик бирлашмасининг бош директори В. А. Скалаух билан танишиб қолди. Учрашув жамоа хўжалиги учун ҳам, бирлашма учун ҳам ниҳоятда фойдали битим тузиш билан тугайди. Маълум бўлишича, бирлашма катта иқтисодий қувватга эга экан-у, лекин ишчи кучларига қаттиқ эҳтиёж сезар экан. Жамоа хўжалигида эса 1000 дан зиёд киши иш излаб юрибди.

Келишувга кўра, бирлашма хўжаликда ўзининг яна бир корхонасини очадиган, 750 нафар кишини иш билан таъминлайдиган бўлди.

В. А. Скалаух яқинда Хоразмда бўлди. Воҳа кишиларининг меҳнатсеварлиги, очиққўнгиллиги унга маъқул келди. Шоботдаги «Правда», «Партия XIX съезди», «Ленинград» жамоа хўжаликларида ҳам ҳар бири 200 кишига мўлжалланган тикувчилик корхоналарини очишга ваъда берди.

Лекин уни бир нарса қаттиқ ранжитди:

— Мана ўқинг, — қўлимизга газета тутқазди у. Саҳифада ҳукуматнинг Фарғона водийсига берадиган иқтисодий кўмаги хусусида гап борарди.

— 50 минг тикувчилик дастгоҳи ажратишибди. Жуда қойилмақом иш бўлибди. Менимча, бу ишсиз қолган водий учун яхшигина совға. Аммо, шундай ёрдамни эндиликда сизнинг воҳангизга ҳам уюштириш долзарб вазифага айланганини сезаяпсизми? Ахир ҳар қишлоқда 1000-1500 киши ишсиз бўлса? ...Шахсан менга қолса, ноҳиянгизга ҳозироқ 1100 тикув дастгоҳини етказиб берган бўлар эдим. Бунинг учун имкон етарли. Энди гап жумҳуриятимиз Енгил саноат нозирлиги раҳбарларининг СССР Енгил саноат нозирлигига сўзини ўтказа олишида қолган.

Бош директорнинг фикрларидан серқуёш Ўзбекистонга, Хоразм диёрига бўлган катта меҳр-оқибат, дўстлик, айни пайтда самимий ачиниш туйғуларини уқиб олиш қийин эмас эди.

— Ишлар юришиб кетишига ишонасизми? — сўраймиз Э. Йўлдошевдан.

— Бўлмасамчи? Ўқувчиларнинг мактаб кийими, эркаклар ва хотин-қизлар пальтоларини тикиш йўлга қўйилади. Янги корхона учун илгариги мактаб биносини қайта тикладик. Яна бир янги цех қурилиши эса жадал давом этаяпти. Асосан уст кийимларни ишлаб чиқарамиз. Бу Хоразмда шу турдаги кийимларни ишлаб чиқарадиган ягона ва кенжа корхона бўлади, Ҳозир корхонада ёшлардан 200 дан зиёди меҳнат қила бошлади. Уларнинг 100 дан кўпи (асосан қизлар) Орёлда — бирлашманинг бош корхонасида иш ўрганиб қайтишди. Қишлоқда ишсизлик тугаётганидан катта-кичик—ҳамма мамнун. Хом ашё — устки иссиқ кийим газмоллари тўқимачилик корхонасидан тўппа-тўғри шу ерга етказиб берилади. Тайёр маҳсулот: пальтолар, камзул, шим, аёлларнинг иссиқ кийимларини шу ернинг ўзида савдога чиқарамиз. Дарвоқе, бундай кийимларга Хоразмда жуда катта эҳтиёж сезилмоқда. Сифатга келсак, корхона тамғасини чет эл бозорида юксак қадрлашар экан. Шундай бўлгач, шоботликлар ҳам унинг маҳсулотини севиб харид қилишларига ишончим комил. Хўжалик фабрикасининг Шоботда ўз фирма дўкони бўлади.

— Ҳадиксираётганингиз йўқми? — савол билан мурожаат этдик, эндигина корхона директорлигига тайинланган ёш мутахассис Бахтиёр Душамовга.

— Тўғрисини айтганда, ҳадиксирайдиган томонлари ҳам йўқ эмас. Ишсизликни барҳам топтириш, одамларнинг арзи-додларини ижобий ҳал этиб беришдаги тадбирларимизни юқоридагилар маъқуллашадими, йўқми, билмайману, ҳеч бўлмаганда ишимизга халақит беришмаса бўлгани.

— Ким халақит бериши мумкин, ва нега?

— Енгил саноат нозирлигидаги ўртоқларимиз-да. «Ҳукуматнинг махсус фармойиши йўқ, йўл бўлсин сизларга», деб айта олмасликларига, шу масалада биз эшик қоқиб борадиган маҳкамаларда бюрократча иш услуби барҳам топганига ким ҳам кафолат бера олади, дейсиз?

Директорнинг ҳадигини асоссиз деб ҳисоблаш мумкин. Нега деганда меҳнаткашларнинг туб турмуш, иқтисодий манфаатлари устида жиддий сиёсий мулоҳаза юргизилаётган, одамларнинг арзи-додига инсоний қалб билан қулоқ тутила бошланган ҳозирги кунимизда бундай андишаларга ўрин қолмаслигини истардик.

Шундай қилиб «Коммунизм» жамоа хўжалигидаги ишсизлик муаммосини толиқтирувчи ташвишлар, уйқусиз изланишлар, оғир музокара-ю, олис йўл сарсонгарчиликлари эвазига бир нави барқарор этишга муваффақ бўлинди. Борингки, шу каби яна бир ёки бир неча қишлоқ тадбир кўриб ташвишдан халос бўлди ҳам дейлик. Ваҳоланки, бу бутун воҳа тангликдан қутилди, дегани эмас. Энди вилоятнинг бошқа шаҳару қишлоқларидагилар нима қилишсин? Кимнинг эшигига бош уриб боришсин, кимдан ёрдам сўрашсин?

Бу жуда ҳам жиддий муаммо, аммо ҳаяллашсиз ечимни кутаётган масаладир.

— Кейинги йиллардаги хатти-ҳаракатимиз билан масалани яна ҳам чигаллаштириб юбордик, — дейди таассуф билан халқ депутатлари вилоят Совети ижроия қўмитасининг раиси, жумҳурият Олий Советининг депутати Қ. Ҳолимбетов.

— Хоразм каби аҳоли зич яшайдиган воҳада иш ўринларини қисқартириш хусусида эмас, балки кўпайтириш ҳақида қайғурмоқ зарур эди. Афсуски, бунинг аксини қилишди. Бундан, ҳатто, каттагина иқтисодий наф ҳам кўрилди дейлик. Аммо, бу фойда ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, маънавий йўқотишларимизни тиклаш учун устун бўла олармикан?.. Йўқ... бўла олмайди, бўлиши мумкин ҳам эмас. Энди бу йўқотишларимизни ақл ва тадбир ишлатиб бир қадар қопламоғимиз — ҳамма жойда янги иш ўринларини вужудга келтиришга дарҳол киришмоғимиз, бу йўлда ҳеч нарсани аямаслигимиз зарур. Бутун гап бундан буён хато йўлларга оғиб кетмасликда қолган. Газетхонларга узундан узоқ ҳисоб бериб, ўзимни ва аллакимларнидир оқламоқчи эмасман. Фақат кейинги 2, 2,5 йил ичида хоразмликларга ўртача 63-70 минг иш ўринлари очиш учун қаттиқ кураш олиб бораётганимизни, вилоятимизнинг ҳамма шаҳару қишлоқларида янги корхоналар, уларнинг бўлимлари ва ёрдамчи хўжаликлар вужудга келтиришга киришилганлигини маълум қилмоқчиман.

Вилоят ижроқўми раисининг бу сўзларига шак келтириш фикридан йироқмиз. Бироқ, айрим омиллар бўйича шубҳамизни пинҳон тутмоқчи ҳам эмасмиз. Чунончи, вилоятдаги раҳбар ташкилотларнинг воҳада вужудга келган иқтисодий-сиёсий вазиятдан қутилиш борасидаги сўровлари, ташаббус ва тадбирлари ҳамон етарли даражада ва амалий равишда қўллаб-қувватланмаётир. Жумҳурият нозирликлари ва идораларида, бошқа юқори маҳкамаларда, шу билан бирга воҳанинг ўзидаги кўпгина хўжалик ва уюшмаларда сони 100 мингга етиб қолган ишсизларнинг талабини адо этишда сансалорлик ва ўзибўларчиликка чек қўйиш юзасидан бирон самарали тадбир ҳамон кўрилгани йўқ. Эшик қоқаётган хавфни кўриб кўрмаганга олишаяпти. Бу ерда гап мавжуд корхоналар, хўжаликлар, уюшма ва муассасаларда иш ўринларини кўпайтириш, янги иш ўринлари очиш, қурилиш ишларини авж олдириш хусусида кетаётганлигини англамоқ даркор.

...Хоразм шаҳру қишлоқларида яратувчилик меҳнати айни қизиган дамлар... Ҳамма жойда йилни яхши кўрсаткичлар билан бошлаш орзу-ҳаваси кезиб юрибди. Одамлар одатдагидек тинч ва ҳамкор меҳнат қилмоқда. СССР халқ депутатлари II съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленуми якунлари илиқ фикр-мулоҳазалар уйғотган. Меҳнаткашлар мамлакат иқтисодиётига зарба берувчи чиқишлар, бошқа тартибсизликларни якдил бўлиб қораламоқдалар. Воҳада тинч ижодий меҳнатни янада кенг қулоч ёйдиришга азму қарор қилинган.

Таассуфки, шундай вазиятда ҳам кишини виждон азобига соладиган, ижирғантирадиган воқеалар ҳамон содир бўлиб турибди. Биз мақолани юқоридаги умидвор, кўтаринки жумлалар билан якунлашни астойдил дилга жо этган эдик. Аммо, бундай бўлиб чиқмади. Охирги жумла битилганда олинган яна бир совуқ хабар дилни хуфтон этди. Уни ҳам ёзилганларга тиркаб қўйишни лозим топдик.


...Урганч шаҳар ижроқўми, шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарларининг ўзбошимчалиги, жумҳурият Халқ таълими нозирлигининг йўл қўйиши оқибатида яна бир муассаса — Урганч мактабларaро касб танлаш ва ўргатиш ўқув-ишлаб чиқариш муассасаси беркилибди. Демак, юз минг сонли ишсизларнинг ёнига собиқ илм ва касб-ҳунар даргоҳининг яна 50 нафар собиқ ишчи-хизматчиси қўшилибди. Бу ҳам майлику-я, навбатдаги тугатиш оқибатида касб-кор ўрганиш орсузида юрган яна мингларча ўғил-қизнинг йўли ҳам беркилибди. Касб-кор ўрганиш йўлига босилган бу тўсиқ, келгусида ишсизлик ва умидсизликка йўл очиб бермайди, бунинг оқибатида янги тартибсизлик, бошбошдоқликлар келиб чиқмайди, деб ким айта олади? Хўш бу масалага вилоят комсомол қўмитаси қандай қараётганикин? Бу масалада сизлар нега жимсизлар?

А. СОБИРОВ,
«Ёш ленинчи» штатсиз мухбири,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

«Ўзбекистон ССРда давлат тили тўғрисидаги Қонун» бошқа соҳаларда бўлгани каби олий таълим олдига ҳам катта, масъулиятли вазифалар юклади. Хўш, Қонун жойларда қандай амалга оширилаяпти? Жамоатчи мухбиримиз Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат медицина институти ректори, медицина фанлари доктори, профессор Нажиулла Ҳабибуллаевич Шомирзаев билан шу ҳақда суҳбатлашди.

Нажиулла ШОМИРЗАЕВ:

«Энди ўзбек тилида ўқишади»



Тошкент Давлат медицина институти ректори Нажиулла Шомирзаев институт партия ташкилотининг котиби Адҳам Воисов билан навбатдаги масалаларни ҳал қилишмоқда.

Н. Муҳаммаджонов сурати.

— Нажиулла Ҳабибуллаевич, аввало айтингчи, ўзбек тилига давлат мақомининг берилишига шифокор сифатида қандай қарайсиз!

— Саволингизга жавоб беришдан олдин бир воқеани эслашга тўғри келади.

Анча йил бурун каттагина йиғилишда бир врач ўзбек тилида сўзлашга ижозат сўради. Лекин нутқининг ярмидан кўпи русча сўзлардан иборат эди. Шаҳарни-ку қўяверинг, қишлоқ жойлардаги табобатхоналарда ҳам йиғилишлар, ёзув-чизувлар рус тилида олиб бориларди, ҳатто уч-тўрт ўзбек шофикорлари тўпланиб қолсак ҳам рус тилида сўзлашардик.

Айрим шифокорларда беморларга нисбатан эътиборсизлик, тошбағирлик ҳолатларининг учраб туриши ёки икки оғиз ширин сўзга муҳтож ётган хаста кўнгилларга мужда келтиришни унутиб қўйишимизда ҳам маълум маънода тил ожизлигимиз, бемор тилини тушунмаслигимиз сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Давлат тили тўғрисидаги фикримга келсак, жаҳон табобати бешигини тебратган Абу Али ибн Синодек улуғ ҳакимлар руҳи олдида, қолаверса бугунги ва келажакдаги шифокорларимизнинг тил ожизлиги даҳшатидан қутқариб қолишдаги оламшумул тадбир деб биламан.

— ТошМИда таҳсил кўрган толиб сифатида менга аёнки, талабалар 1-, 2-курсларда ўзбек ва рус группалари алоҳида, 3-курсдан бошлаб эса ҳамма рус тилида ўқийди. Давлат тили Қонунига амал қилган ҳолда эндиги машғулотлар қай йўсинда ташкил этилади!

— Авваллари худди шундай эди. Кейинчалик ҳамма группалар рус тилида ўқитиладиган бўлиб қолганди. 1988-89 ўқув йилидан бошлаб пича ўзгариш юз берди: барча факультетларнинг 1-, 2-курсларида машғулотлар ўзбек ва рус тилларида айриб ўқитиш қабул қилинди.

Ижтимоий-сиёсий фанлар эса барча курсларда ҳам ўзбек, рус тилларида алоҳида ўтилаяпти. Ҳозирги кунда институтимизда турли миллатга мансуб 9 мингга яқин йигит-қиз таълим олаяпти. Шулардан 60 фоизи ўзбеклар, 35 фоизи бошқа миллат вакиллари. Уларнинг ҳам деярли 30 фоизи жумҳуриятимизда туғилиб ўсган ёшлар. Бу йил туб бурилиш бўлиши керак. Сентябрдан бошлаб 3-курсларда, 1991-92 ўқув йилларидан эса 4-, 5-6-курсларда ҳам давлат тилида ўқитишга ўтилади. Рус группаларида ўқийдиган 1- 2-курс талабаларининг ўқув жадвалларига ҳафтасига 4 соатдан ўзбек тили дарси киритилган. 1 курс тугагач, матрикуль (зачёт) синовидан ўтадилар. 2-курс тугагач, эса имтиҳон топширадилар.

Юқори курсларда ҳам ўзбек тили дарслари мунтазам олиб борилиши мўлжалланмоқда. Лекин бўлажак шифокорлар шуни яхши билишлари лозимки, касаллик миллат танламайди. Ҳаммага бирдек ёпишади. Одамларни бу бало-қазодан халос этиш учун эса шифокор, аввалambor билимдон, мулоҳазали ва айни вақтда бемор тилида, у тушунадиган тилда гаплашмоғи даркор. Демоқчиманки, бемор ўзбек тилида гапирса, врач ҳам миллатидан қатъий назар ўзбекча гапириши зарур. Борди-ю бемор ўзбек тилида гаплаша билмаса, шифокор албатта рус тилида гаплашарди, зудлик билан беморнинг касаллигини аниқлаб, тегишли чора-тадбирларни қўллаб муолажага ўтмоғи лозим.

Ана шу мақсадларда институтимизда ўзбек тили курси ташкил этилди. Кейинчалик кафедрага айлантириш ниятидамиз. Шу билан бирга, ўзбек группаларида ўқийдиган талабаларнинг рус тилини чуқур ўзлаштиришларига талаб кучайтирилади.

— Машғулотларнинг ўзбек тилида ташкил этилиши, айниқса, жумҳуриятимиздаги қишлоқ ёшлари учун қувончлидир. Лекин медицина институтларидаги ўқитувчиларнинг аксарияти (ўзбек ўқитувчиларнинг ҳам) ўзбек тилида яхши гаплаша олмайдилар-ку. Ўзбек тилидаги дарслик ва қўлланмалар ҳам йўқ ҳисоби!

— Гапингиз тўғри. Бизда 1220 ходим ишлайди. Ҳозир ўзбек тилини мутлақо билмайдиган 160 ўқитувчи уни ўрганиш иштиёқи билан «ариза» берган. Қисқаси, ўқитувчиларнинг тил ўрганишлари учун шароит яратиб бермиз. Ҳозир институт ва кафедралар йиғилишларини ўзбек тилида ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз. Шахсан ўзим бошчилик қилаётган оператив жарроҳлик ва топографик анатомия кафедрасида ўзбек тилини бир кишигина билмайди. Ҳамкасабаларимиз биргалашиб унга ёрдам бераяпмиз.

Ўрни келганда шуни айтай, ўрта мактабни битириб келаётган ёшларимизга эътиборимиз катта. Билим савиялари жуда саёз. Ўрта мактабларда тил ўқитишни қайта кўриб чиқмаса бўлмайди. Ёшлигида ўрганилмаса, ёшлик ўтиб, тили қотиб қолгач қийин бўлади. Шунинг учун боғчадан бошлаш керак. Чунки боғча ёшида тил ўрганиш осон кўчади.

Дарслик ва ўқув қўлланмаларига келсак, институтда махсус комиссия тузилди. Ишчи группалари секцияларида тиббий атамаларнинг изоҳли луғати, назарий ва амалий машғулотлар учун 18 та қўлланма тайёрланди. Дарсликларни таржима қилиш ва янгиларини яратиш иш юритишдаги зарур ҳужжатлари, ўзбек тилидаги нусхаларини тайёрлаш ишлари олиб борилаяпти.

Ҳозирнинг ўзидаёқ 49 та дарсликни зудлик билан ўзбек тилида чоп этиш лозимлиги ҳақида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш нозирлигига буюртма бердик. Шунинг билан биргаликда бажарилишлари ишлар учун 2 миллион сўм маблағ ва тезда ўзбек имлосидаги 150 машинка ажратилишини илтимос қилдик.

Ҳозир жумҳуриятимизда 4 та олий медицина ва врачлар малакасини ошириш институтлари, 17 та илмий текшириш институтлари бор. Бу ҳазил нарса эмас. Демоқчиманки, имкониятимиз чакки эмас. Мутахассисликка оид дарсликлар, қўлланмаларимиз ўзбек тилида тайёрлашда, ўйлайманки, ҳеч ким четда қолмайди. Лекин, менимча, дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда бир институт методик марказ қилиб белгиланса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Биз бу ҳақдаги ўз фикримизни нозирликка етказдик ҳам. Бошқа институтлардаги мутахассислар ҳам мана шу марказга ўз ишларини топширсалар, деган ниятдамиз.

Тилни яхши биладиган мутахассисда ўз ишидан вақт ортириб дарслик таржима қилиш ёки ёзиш учун вақт етишмайди. Буни ҳисобга олиб ундай мутахассисларни ўз ишидан озод қилиб, ойлик маошини тўлаб турилишини режалаштирдик. Шундай қилинмаса, белгиланган муддатларда тўлиқ давлат тилига ўта олмаймиз.

— Медицина институтлари ўқув программаларида назарий машғулотларга кенг ўрин берилган. Талабалар битиргунларига қадар айрим фанларни эсларидан чиқариб юборадилар. Давлат тилига ўтиш муносабати билан масаланинг шу томонлари ҳам ҳисобга олинганми!

— Албатта, авваллари СССР Соғлиқни сақлаш нозирлигининг ўқув юртлар бошқармаси томонидан программа соатлари қатъий белгиланиб ва бажарилиши талаб қилинар эди. Энди эса ҳар бир институтнинг ўзида, ҳатто кафедраларида ўқув программаларини ўттиз фоизгача ўзгартиришга, ихтисослик бўйича ўтиладиган фанлардан уч юз соат талабаларнинг мустақил ишлашлари учун рухсат этилган. Бундан ташқари поликлиникаларда амалий машғулотлар олиб борувчи кафедралар очганмиз. Ўқиган билан уқган бўлак, деган мақол бор. Шифокорликда минг ўқиган билан кўзи билан кўриб, қўли билан бажармагунча врач врач бўла олмайди. Шуни ҳисобга олиб шаҳардаги табобатхоналарда, клиникаларда, «Тез ёрдам» хизматларида ишлашлари учун яхши ўқийдиган 1-, 3-курс талабаларига санитар, 4-, 6-курс талабаларига эса дарсдан сўнг ўрта медицина ходими сифатида ишлашга рухсат бераяпмиз.

— Яхши ният, ёрти мол дейди халқимиз. Борди-ю, ўзбек тилида таълим олган шифокор ўзбек тилида илмий иш ёзиб, диссертация ёқлашни хоҳласа-чи!

— Унда нур устига аъло нур бўлади. Абу Али ибн Сино табобат соҳасида рус тилида ёзмаган-ку. Дарвоқе, ҳозир илмий ишларни, тажрибаларни ўзбек тилида баён этиш юзасидан тайёргарликни бошлаб юборганмиз. Илмий кенгаш аъзоликларига лаёқатли мутахассислар танланаяпти. Уч йилдан кейин истаган киши ўзбек тилида диссертация ёқлаши мумкин. Шундай кун келишига ишонаман...

— Раҳмат, эзгу ниятларингиз амалга ошишига биз ҳам тилакдошмиз.

Суҳбатни Республика саломатлик марказининг матбуот гуруҳи ходими Абдумажид ЭРГАШЕВ олиб борди.

Юксалиш гарови

Шу йилнинг 3 февралида Ўзбекистон меъморлар уюшмаси президиумининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов, Меъморлар уюшмаси президиуми раиси Т. Қодирова, Ўзбекистондаги маданий меросларни асраш учун катта меҳнати сингган олима Г. Пугаченкова, ЎзНИИПнинг бош меъмори Р. Блиэз, Фарғона вилояти меъморлар уюшмасининг раиси А. Аҳмедов, Ўзбекистон ёдгорликларни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Ф. Ашрафий ва Ўзбекистонда меъморчилик ҳамда қурилиш ишларидан таълим берадиган Олий ўқув юртларининг раҳбарлари ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар. Йиғилиш: «Совет Ўзбекистони меъморчилигини ва шаҳар қурилишини ривожлантириш»га бағишланди.

Ўзбек Совет Қомусномасида меъморчилигимиз ҳақида шундай фикр юритилади: «Совет архитектураси — жаҳон архитектурасининг энг яхши ютуқларининг ворисси сифатида капитализм даври архитектурасининг формалистик оқимларига қарши кураш жараёнида ўсди ва тараққий топди. Архитектура иншоотларининг асосий ижодкори ва бунёдкори меҳнаткаш халқдир. Шунинг учун ҳам архитектура тараққиётининг негизида халқ меъморчилиги туради. Жамият ривожланиши билан архитектура иншоотлари ва комплексларининг тури ва кўриниши ҳам ўзгара боради. Ҳар бир халқнинг миллий анъаналари, турмуш шароити, маданияти ва истиқомат қиладиган жойдаги табиий шароити ва мавжуд қурилиш материалларига қараб архитектура кўринишида ўзига хос шакл ва турлар пайдо бўлади». Хўш, аслида-чи?! Бизда ўзига хослик, капитализм давлатларидан ўзиб кетиб, ҳар бир халқнинг миллий анъаналарига, маданиятига қараб олиб бордикми қурилишларни? Йўқ! Минг бора афсуслар бўлсинким, йўқ! Худди бошқа соҳаларда бўлгани каби, меъморчиликда ҳам «порлоқ келажак» ҳақида ширин хаёллар сурдик. Қилинган эмас, қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида мақтандик.

Ўтган йили Шаҳрисабзда бўлганимда тарихий ёдгорликларнинг қоровули Абдулла ота билан орамизда шундай суҳбат бўлиб ўтганди.

— Болам, шу катталарга ҳам қойил қолмадим-да. Мана шу Гумбази Сайидон ҳам (1437—1438), Кўк Гумбаз ҳам бир йилда (1435—1436) қуриб битказилган экан. У пайтлари ҳеч қанақа техника бўлмаган дейишади. Бугунги, техникаси ривожланган даврларингга келиб, шу икки бинони таъмирлаш, мен ишга келган йили бошланиб (1949) ҳалигача давом этаяпти. Насиб бўлса бу йил эллик йил бўлади...

Очиғи, ўшанда бир пайтлар бутун жаҳонни лол қолдирган уста-меъмор муҳандисларимизнинг бугунги издошларидан хафа бўлиб кетган эдим. Лекин, уларнинг ҳам ўзига етгулик муаммолари, бир дунё дардлари бор экан. Ўзбекистон ёдгорликларни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Ф. Ашрафийнинг сўзларига эътибор бериб кўринг-а: «Жумҳуриятимиздаги ёдгорликлар айни пайтда қаровсиз ва яна айтиш мумкинки, эгасиз ётибди. Уларни таъмирлаш учун Маданият нозирлиги ажратаётган маблағ эса, бор-йўғи номигагина усти ялтироқ, ичи қалтироқ ишлар учун сарфланмоқда. Чунки, уни бундан ортиғига етказиб ҳам бўлмайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Қадимий Бухородаги ёдгорликларни таъмирлаш учун бир йилда бир миллион сўм ажратилади. Бухородан катта бўлмаган Новгород учун эса йилига юз миллион. Осори-атиқаларни сақлаш бўйича жумҳуриятимизда, асосан, саккиз киши, ишлайди. Ёдгорликларимизнинг сони эса тўққиз мингдан ошади. Москвада айнан шу соҳа бўйича бир юз саксон киши банд, улардаги ёдгорликлар сони тўрт юзта...» Кўриниб турибдики, уларга ҳам осон эмас экан. Лекин осон эмас, деб қўл қовуштириб ўтирганимизда ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Энди қайта қуриш берган имкониятлардан фойдаланиб курашиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз учун талашиб, тортишишимиз керак! Ўзбекистонда топилган ва топилаётган осори-атиқаларимизга жонкуярликда Г. Пугаченковадек фидойи олима ҳақида эшитмаганман. Бу йиғилишда ҳам олима, ёзда топилиб, қишнинг қор, ёмғирларига дош беролмай, қаровсизликдан йўқолиб бораётган тарихий ёдгорликларимиз ҳақида куюниб сўзлади. Олиманинг «Ер ҳақидаги қонун»га билдирган фикрларига ҳам қўшилмасдан бўлмайди. Юқоридаги қонунда экологик ва қатор бошқа муаммоларга эътибор берилган-у, ёдгорликларни асраш кераклиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. «Бир пайтлар — дейди олима, жамоа хўжалиги ёки совхозларнинг сарҳадидан топилган қадимий топилдиқларни асраб қолиш учун раис ёки директор билан ётиб олишишга тўғри келарди. Уларга ер, фақат ер керак эди! Қолган ҳаммаси уч пул! Бир гектар ердаги тарихни сақлагандан кўра, ўша бир гектарга пахта экишни маъқул кўришарди! Бу қонундан кейин улар билан курашишни ўзи бўлмаса керак».

Ўша йиллардан мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик, марказлаштириш меъморчилик санъатини ҳам четлаб ўтмаган экан. Вилоят, ноҳия марказлари, мавзелар, ҳаттоки қишлоқларда қуриладиган қурилиш лойиҳаларини ҳам, албатта, Тошкент тасдиқлаши шарт! Бусиз мумкин эмас! Фарғона вилоятидаги меъморлар уюшмасининг раиси А. Аҳмедовнинг фикрича эса, «Ҳар бир вилоят, ҳаттоки ноҳиянинг ўз меъморчилик санъати, услуби бор. Қадимда улар ана шу услублари билан бир-биридан фарқ қилган. Бугун эса улар бир марказга бўйсуниб, бир марказнинг кўрсатмаси билан ишлашга мажбурлар. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунга келиб шаҳар ва қишлоқларимиз ўз миллий кўринишларини йўқотмоқда. Айниқса, шаҳарларимизнинг бугунги «жамоли», Шарқдан кўра кўпроқ Ғарбни ёдга солиши ана шу марказлаштиришнинг «меваси». Энди ҳар бир вилоят, ноҳия меъморларига ишонч билдириш, уларнинг эркин ишлашларига шароит яратиб бериш лозим. Эркинлик берилмас экан, миллий меъморчиликни юксалтириш ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ!»

Раис ҳақ. Қўли боғлиқ одамдан нима ҳам кутиб бўларди. Айниқса, ижодкор аҳлини «қолип»га солиш, яхши натижа бермайди. Ахир меъморчилик ҳам, худди шоирлик, мусаввирлик каби инсон ижодий фаолияти билан боғлиқ бўлган санъатнинг бир тури-ку.

Йиғилишда билимдон, малакали кадрлар тайёрлаш ҳақида ҳам мулоҳаза юритилди. Бу масалада Тошкент политехника институти меъморчилик факультети кафедра мудири Х. Салоҳиддиновнинг фикрлари эътиборга молик.

«Жумҳуриятимизда меъморчилик ва қурилиш санъатидан таълим берадиган қатор ўқув юртлари мавжуд. Аммо, биронта ҳам ўзбекча ўқув қўлланмаси йўқ. Ана шундай бир шароитда миллий меъморчилик санъатини юксалтириш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта! Фикримча, аввало жумҳуриятимизда алоҳида меъморчилик институти ташкил этиш ва ихтисослашган тармоқ меъморлари тайёрлаш пайти келди. Жумҳуриятимиздаги малакали меъморларни ана шу институтга жалб қилиш керак. Ахир, Москвада ҳар тўрт талабага бир ўқитувчи устозлик қилаётган бир пайтда, биздаги ҳар йигирма талабага бир ўқитувчи тўғри келиши, бу қай даражада таълим бера олишимиздан дарак бермайдими, ҳалиям талабаларимизга раҳмат. Ўз ишларини баҳоли-қудрат эплаб кетишаяпти».

Тўғри, ўқув юртларини битириб чиқаётган талабаларимиздан нолимасак ҳам бўлади. Улар имкониятлари борича яхшироқ билим олишга ҳаракат қилишяпти. Буни уларнинг кўргазмага қўйилган диплом ишлари, жумҳурият, Бутуниттифоқ, ҳаттоки халқаро меъморлар беллашувларида қўлга киритаётган ютуқлари ҳам тасдиқлайди. Лекин ачинарли томони шундаки, уларнинг беллашувларда юқори баҳоланган лойиҳалари ҳам, кўп ҳолларда қоғозда қолиб кетади. Камдан-кам ҳоллардагина ҳаётга татбиқ этилади. Амалий ишга ўтишда меъморларимизнинг ҳуқуқлари қонун билан белгилаб берилмаганлиги ҳам панд бермоқда. Бугун уларга ўзларини ҳимоя қила оладиган, керак бўлса, сўзларини ўтказа оладиган, талаб қилиш ҳуқуқини берадиган қонун, ижодий эркин ишлашлари учун ҳам зарур ва шарт бўлиб қолди. Ана шундай қонун ишлаб чиқилмас экан, меъморларимиз амалий ишга ўтиш ўрнига, бир-бирларига дардларини дастурхон қилиб юраверишади. Зеро, эркинлик йўқ жойда, имконият бўлмаслиги, имконият бўлмаган жойда ижодкорлик ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмаслигини унутиб қўймаслигимиз лозим.

Ислом ҲАМРО,
«Ёш ленинчи» мухбири.



Табобат оламининг буюк алломаси Абу Али ибн Сино номи билан боғлиқ Сурхондарё вилоятидаги Денов ноҳиясида жойлашган санаторий-профилакторий «Ҳазорбоғ» совхозининг энг хушманзара ери. Беморлар бу ерда физиотерапевтик даволашнинг тўла курсини олишади. Ошқозон-ичак касалликларини олдини олиш мақсадида «Есентуки» минерал суви билан даволаш йил бошидан жорий этилди. Шифо маскани ёрдамчи хўжалигидан етказиб берилаётган шифобахш ичимлик — қимиз беморлар жонига оро кирмоқда.

СУРАТДА: сув ости массажи хонасида ҳамшира-массажчи Орзигул Холназарова ва катта ҳамшира Дилбар Мисировалар беморга муолажа қилишмоқда.

ЎзТАГ суратхроникаси.

Ҳамма боради, ошна

Бир йил бўлди... Юзида изтироб қўланкаси зоҳир шўро аскарининг дарё ортида қон кечиб жанг қилмаётганига. Қирғингоҳ ўлкани сўнгги аскар тарк этган кун... Ҳовуримиз бироз босилган, таҳликали дамлар ўрнини осойишталик эгаллаган, тилимизга шукроналик тукқан кунимиз...

Лекин ўн йиллик қалтис сиёсат кўргулиги қиладиганини қилди. Не-не алп қомат бўз болаларини ситиб олди бу уруш бағримиздан. Кечиктирилган ҳар бир кун бегуноҳлар жонига қасд қилинишдай оғир кечди.

Ҳа, ўша миллионлаб кишиларимиз кўнглида омонлик рамзидай муқаддас саналган февралнинг ўн бешинчи туни барча ёруғ кечалардан-да ёрқинроқ эди. Шу пайтгача афғон ҳақида «маъюс сўзлаган» «ойнаи жаҳон»га қадалган нигоҳларда қувончу алам ёшлари ғилтиллади. Жигари урушдан қайтган-қайтмаганларнинг дил суви эди бу.

Ана шу ногоҳ уруш иштирокчилари, жумҳуриятимиз байналмилал ва заҳирадаги жангчилар уюшмаси ташаббуси билан хотира анжумани белгиланибди.

ПОЙТАХТНИНГ «Юбилей» спорт саройида. Худди ўша ўт-олов ичидан охирги жангчи пойқадами Ватан остонасини ўпган ўн бешинчида...

Шу боис редакцияга бир йигит келди. У ҳам «афғон»лардан экан. Уюшма раисининг муовини. Анча гаплашдик.

— Анжуман қай ҳолда ўтказилади? — сўрайман ундан.

— Борганда кўрасиз, яхши бўлади.

— Албатта қатнашаман...

Рўпарамдаги йигитнинг кўзларидан негадир ғамгинлик аломатини сездим, сўровимдан кейин. Ўзим ҳам уялдим саволимдан. Шунчалик қийин-қистовли, даҳшатли воқеалар гувоҳи бўлган ўғлон ҳамда унинг уюшмадошлари ҳамқурол дўстлари руҳини хотирлашга таклиф этса-ю, аллақандай ташкилий масалаларни суриштирсам.

— Эшитганлар албатта четда қолмайди, — далда бердим йигитга.

— Кечага эл ҳурматлаган хонандалар ҳам келишади. Юлдуз Усмонова, Маҳмуджон Азимов, Аҳмаджон Шукуров... Ўзимизнинг «Коскад» вокал чолғу ансамбли афғонда кўрган-билганларини куйлайди, — давом эттирди у.

Кўнглим хижил тортди. Йигит, назаримда, номлари саналган санъаткорларни айтсамгина боради, деган андиша билан сўзларди. У ҳам нима қилсин. Менгача таклиф этилганлар у ердаги «байрамона» кайфият хушхоллигига қизиқишавергинидан юраги безиллаб қолгандир. Наҳотки?

Унчалик эмас-ов. Одамлар афғон ситамгарлари руҳини кўтариш, таскин бўлиш учун ҳам борсалар керак. У ёқда қурбон бўлганлар хотираси ҳаққи учун ҳам қадам ранжида қиладилар.

У ерда қўшиқлар кўп айтилади. Кимнингдир қалбини тилкалайди улар. Титраган залда эса «афғон»лар ва уларнинг яқинлари юрак-бағри сув бўлади.

— Очиғини айтсам, — бироз иймaниброқ гапиради йигит, — ўша хайрия кечамиздан тушган пулни Афғонистондан яримжон бўлиб келган дўстларимиз учун протезлаштириш маркази очишга сарфламоқчимиз...

Биз уларга шундоқ ҳам кўнгилдан чиқариб хайрия инъом қилсак арзимайдими? Арзийди албатта. Улар бизнинг укаларимиз, оғаларимиз. Тўрт мучаси носоғ, тақдир эндиликда қувватдан қисган элдошларимиз-ку. Биз билмаган азобли кунларни кўриб «кўзи қотган» ўксик диллар-ку.

Йигитнинг қўлидаги қоғозда ёзилган уюшма эълонидаги ҳисоб жамғармасининг қуйидаги 006700006 рақамига термуларканман шундай дегим келди:

Бораман, ошна. Ҳамма боради. Юлдуз ҳам, Маҳмуджон ва Аҳмаджон ҳам. Балки улардан-да донгдорроқ Бобомурод, Ортиқ, Шерали деганларидай...

Тағин ҳам инсофни ўзига берсин одамларнинг...

Қўчқор НОРҚОБИЛ.
ТошДУ толиби
байналмилал жангчи.

ТВ

15 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Давлат ва шахс». 12.00 «Диққат, божхона». Ҳужжатли телефильм. 12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Жадвал катталиклари ва такрорланувчи жараёнлар. 13.00 «Менинг ўрнимга от». Бадиий фильм.

* * *

17.00 «Холисхон Қодирова куйлайди». Фильм-концерт. 17.30 «Ўқитувчи экрани». Махсус мактабларда ўзбек тилини ўқитишнинг хусусиятлари. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурч». 19.00 «Объективда — қайта қуриш». Ғиждувон ип-газлама фабрикаси коллективининг иши ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Кино усталари». Кинорежиссёр Малик Қаюмов. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Юртим васфи». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Реклама. 22.05 «Халқаро ҳаёт». 22.25 «Романтика» телетеатри. Ўткир Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 1-қисм. 23.55 Янгиликлар. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Мусиқий кўрсатув. 22.40 «Дилафрўз» Хотин-қизлар учун программа.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 10.05 Хоккей. СССР чемпионати. МАСК — «Химик». 11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Солдат ёдномалари» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм. 17.00 Мультфильмлар. 17.30 «Сунжанинг ўзгинаси, дарёга ўхшайди». Грозний шаҳридан кўрсатилади. 18.00 Останкино концерт студиясида «Ишбилармон кишилар учрашуви». 2-кўрсатув. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.15 «Тулкивойнинг китоби». Мультфильм. 20.25 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар». СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси. 23.00 Консерваториянинг Катта зали. Миллий симфоник оркестрнинг концерти (АҚШ). Бадиий раҳбар ва бош дирижёр — М. Ростропович. 01.20 «Йўл». Катталар учун мультфильм премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Ўткинчи музлоқ». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Адабиёт. 8-синф. Л. Н. Толстой. «Зиёфатдан сўнг». 10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Адабиёт. 10-синф. Ф. М. Достоевский «Жиноят ва жазо». 12.05 «Санкт-Петербургни излаб». Илмий-оммабоп фильм. 13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонликда». 9-серия. 14.10 Ритмик гимнастика.

* * *

17.30 Татаристон АССР Давлат телерадиоси. «Татаристон-90» (Қозон). 18.45 Халқ куйлари. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...». 22.45 Иттифоқдош жумҳуриятлар телевизион фильмлари. «Бир кўриб севиб қолдим» («Грузияфильм» — «Ленфильм»).

«Ёш ленинчи»

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:

Д — 23131.
Р — 03108.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.